БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 69 (4168)
25 МАРТ, 1980 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ПАХТА ҚУРИТИШ ЦЕХИ

Шаҳримиздаги 4-Давлат лойиҳа институти коллективи пахта тозалаш саноати корхоналарини такомиллаштириш бўйича изланишлар олиб борялти. Жумладан, пахта тайёрлаш пунктлари учун янги типдаги қуритиш-тозалаш цехлари ва омборхоналар лойиҳаланяпти.

Ҳозирги кунгача дастлабки 22 та лойиҳа иши «Ўзколхозстрой»нинг қурилиш ташкилотларига берилди. Улар йиғим-терим мавсумига қадар қурилиши ва фойдаланишга топширилиши керак.

—Янги типдаги қуритиш-тозалаш цехларининг афзаллиги шундаки, ундаги барча ишлар механизациялаштирилган. Айниқса куз ноқулай келиб, ёғингарчилик кўп бўлган пайтда ана шундай цехлардан самарали фойдаланиш мумкин, —дейди институт директори А. Нурматов.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ—МАРТЕНЛАРГА

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қора ва рангли металл парчаларини тўплаш ва топшириш планларини бажаришдаги энг яхши кўрсаткичлари учун шаҳар районлари ўртасидаги соцналистик мусобақа ғолибларини мукофотлаш мақсадида кўчма Қизил байроқ таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Ўзбекистон КП шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Советининг кўчма Қизил байроғи ҳар квартал ва йил якуни бўйича металл парчаларини тайёрлаш ва топшириш бўйича энг яхши кўрсаткичларга эришган, ҳар бир корхона ва ташкилот томонидан план топшириқларининг муттасил бажарилишини, шунингдек, чиқиндиларнинг кам-кўстсиз йиғилиши ва сақланишини таъминлаган районларга берилади.



Ф. Умарова билан М. Исмоилова нинг Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасига ишга келганларига икки йилдан ошди. Ҳозир улар комсомол-ёшлар бригадасининг тўла ҳуқуқли аъзоларидир. Тўрт-беш операцияни яхши ўзлаштириб олган бу пешқадам ёшлар смена топшириқларини мунтазам 115 процентга етказиб адо этишяпти.

СУРАТДА: Ф. Умарова ва М. Исмоилова.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ТОШКЕНТ—МАМЛАКАТГА

ЙЎЛСОЗЛАР БУЮРТМАСИ

Қўйлиқдаги коммунистик меҳнат коллективи номини олган экспериментал темирбетон кўприк конструкциялари заводи коллективининг йил бошидан бери ишлаб чиқариб, бутун Ўрта Осиё, Узоқ Шарқ ҳамда БАМ қурувчилари учун юборган темирбетон конструкциялари

БУГУН

15 минг кубометрга етди.

Илғор саноат корхонасининг ишчилари бу йил мамлакат йўлсозларининг жами 4 миллион 770 минг сўмликдан ортиқ буюртмасини бажаришлари керак. Бу ўтган йилдагидан анча кўпдир. Коллектив юбилей йили вазифасини иш жойларида меҳнат унумдорлигини тинмай ошириб бориш, янги қувватларни ишга тушириш орқали бажариш ниятида.

Яқинда корхонада кўприклар қурилишида ишлатиладиган бетон устунларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги цех қуриб битказилди. Бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ деярли ҳамма иш жараёнлари механизациялаштирилган.

• *19 апрель–коммунистик шанбалик куни*

ЮКСАК УНУМ БИЛАН

Москваликларнинг 19 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш ташаббусига биринчилардан бўлиб қўшилган Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлигининг 103-автобазаси коллективи коммунистик шанбалик куни юксак кўрсаткичларга эришиш ташаббуси билан чиқди. Бу ташаббусни Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министрлиги коллегияси ҳамда автомобиль ва шоссе йўллари касаба союз ходимлари республика комитети президиуми қизғин маъқуллади.

Шанбаликка бағишлаб ўтказилган митингда транспортчилар ҳар йилгидан ҳам кенгайтирилган ва ниҳоятда салмоқли меҳнат байрами программасини яқдиллик билан қабул қилдилар. Унга кўра, корхона шофёрлари 5, 5 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб берадилар. Бу ҳар кунгидан 1 минг тонна кўп, демакдир. Плондан ташқари 10 та машина рейсга чиқиб, биркитилган объектларга хизмат кўрсатади.

— Бундан ташқари,— дейди автобаза директори Жўра Умаралиев мухбиримиз билан бўлган суҳбатда,— ремонтчиларимиз шу куни тўртта агрегатни ва иккита моторни сифатли ремонтдан чиқарадилар. Шунингдек, шанбалик программасида белгиланган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ҳам талай ишлар амалга оширилади. Автобаза территорияси тозаланиб, кўплаб гул ва дарахт кўчатлари ўтказилади. Мавжуд цехлар ремонт қилинади ва ҳоказо.

ЕТТИ ОЙ ИЛГАРИ

Охунбобоев майдонида қад кўтараётган йигирма бир қаватли «Москва» меҳмонхонаси қурилишида иш қизғин. 11-«Висотстрой» қурилиш трести 75-қурилиш бошқармасининг Н. Қодиров бошлиқ комплекс бригадаси участка қурувчилари ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилаяпти. Бригада аъзолари меҳмонхона қурилишида илғор иш усуллари асосида меҳнат қилиб, объектни муддатидан етти ой илгари битказишга аҳд қилишган.

Юксак мақсадга яраша меҳнат қилишда коллективнинг А. Сапоев, Г. Бой, А. Дюев, Р. Эгамов каби аъзолари барчага ўрнак кўрсатишаяпти.

Бригада қурувчилари В. И. Ленин туғилган кунгача бинонинг 14 қаватини ҳам монтаж қилишга эришиш учун иш вақти, машина ҳамда механизмлардан омилкорлик билан фойдаланишмоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Қардош Венгрия ҳаётида катта ва муҳим воқеа содир бўлди. Кеча Будапештда ривожланган социализм қураётган республика меҳнаткашлари ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Венгрия социалистик ишчи партиясининг XII съезди очилди. Бугун марказий газеталарда ВСИП XII съезди ҳақида ҳисобот, шунингдек, ана шу съездда Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар қилган доклад ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари А. П. Кириленконинг нутқи эълон қилинган.

● Учишни бошқариш маркази хабар қилади: 24 март куни Москва вақти билан соат 0 дан 04 минут ўтганда туташтирилган ҳолда учиш программаси ниҳоясига етгандан кейин «Союз Т» транспорт кемаси «Салют-6» орбитал станциясидан ажратилди. Космик аппаратларни бир-биридан ажратиш жараёни Учишни бошқариш марказидан берилган командаларга биноан бажарилди ва Ердаги хизмат мутахассислари томонидан контроллик қилиб турилди.

«Союз Т» кемасининг бундан буёнги мустақил учиши давомида унинг ичига ўрнатилган янги системалар, жумладан двигатель установкаси, мўлжал олдириш ва ҳаракатни бошқариш системалари, кема ичидаги ҳисоблаш комплекси якунловчи синовлардан ўтказилади.

ШАҲРИМИЗ ОБОД ВА КЎКАЛАМЗОР БЎЛСИН

Шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича оммавий ҳашарлар ўтказиш тошкентликларнинг энг яхши анъаналаридан биридир. Шунинг учун ҳам Ленин ва Куйбишев районларининг меҳнаткашлари ташаббусини кенг қўллаб-қувватлаган шаҳримиз аҳли баҳорги ҳашар ишларида жонбозлик кўрсатишяпти. 20 апрелгача бўлган икки ойлик мобайнида мавсум иштирокчилари 350 минг туп кўчат ва 950 минг туп яшил тўсиқлар ўтқазишлари, шунингдек кенг миқёсда ободонлаштириш ишларини олиб боришлари лозим.

Белгиланган тадбирларни амалга ошириш бу йил алоҳида мазмунга эга. В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги арафасида республикамизда Озарбайжон ССРнинг адабиёти ва санъати кунлари ўтади. Май ойида эса Тошкент Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Халқаро кинофестивали қатнашчилари ва меҳмонларини қарши олади.

Ҳозир баҳорнинг иссиқ кунлари бошланган энг қулай пайтларда кўкаламзорлаштириш ишларини барча жойда авж олдириш зарур. Бу муҳим ишга олий ўқув юртларининг студентлари, техникум ва ҳунар-техника билим юртларининг ёшлари катта ҳисса қўшиши мумкин.

Шу кунларда шаҳримиздаги барча кўчалар. уй-жой кварталлари, шунингдек, корхоналар ва муассасалар атрофидаги территорялар кўзни қувонтиради, деб айтиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўз шаҳрини жондан севувчи ҳар бир киши ёки пенсионер меҳнат коллективлари бу борада катта ҳисса қўшиши лозим.

Республикамиз пой тахти коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳар номини олиш учун мусобақалашмоқда. Ҳар бир тошкентлик бу мусобақанинг актив иштирокчисига айланғандагина ана шундай фахрли номга эришиш мумкин.

ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ИККИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

КУЧАТ ВА ЯШИЛ ТЎСИҚ ЎТКАЗИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 24 МАРТГАЧА БУЛГАН МАЪЛУМОТ

(биринчи устун—районлар ва шаҳар ижроия комитети бошқармалари; иккинчи устун—ўтказилган кўчатлар (минг туп); учинчи устун — ўтказилган яшил тўсиқлар (минг туп); тўртинчи устун—планнинг бажарилиши (процентларда)

Киров райони	19,1	45,0	64,9
Собир Раҳимов	19,2	44,8	84,7
Куйбишев	18,0	41,5	78,8
Ленин	17,1	41,8	78
Октябрь	17,5	41,0	77,4
Фрунзе	16,1	42,2	77
Чилонзор	15,4	41,8	75,7
Ҳамза	16,8	38,4	73,1
Сергели	13,8	38,1	69,2
Акмал Икромов	10,9	40,1	67,5
Шаҳар халқ маорифи бошқармаси	17,8	20,6	116
Маданият бошқармаси	10,0	28,0	115
Умумий овқатланиш бошқармаси	8,3	23,5	102
Сув хўжалиги бошқармаси	6,7	18,0	79,6
Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси	4,1	19,5	78,6
Савдо бошқармаси	6,0	19,0	75,8
Уй-жой бошқармаси	6,9	10,8	53,6
Ҳунар-техника таълими бошқармаси	3,0	11,0	45,1
Бошқармалар бўйича	77,2	197,0	63
Шаҳар бўйича	268,5	683,8	73,2

Маълумот шарҳи: Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, шаҳар халқ маорифи Бош бошқармаси шунингдек, маданият, умумий овқатланиш бошқармаларининг коллективлари шаҳримизни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигида кўчат ва яшил тўсиқ ўтқазиш бўйича ўз зиммаларига олган планни бажариб, ободонлаштириш ишларини давом эттиришмоқда. Айни пайтда микрохлёбонлар бунёд этиш, территорияларни тартибга келтиришга ҳам катта эътибор бериляпти.

Бу борадаги ишлар бошқа ташкилотлар, корхоналар ва ўқув муассасаларида ҳам авж олдириляпти. Аммо кўчат ва яшил тўсиқ ўтқазиш, микрохиёбонлар вужудга келтириш ишлари суръатини сусайтирмаслик, шунингдек бу муҳим ишнинг сифатига алоҳида эътибор бериш лозим.

Белгиланган вазифаларни бажарайлик

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштир р и ш бўйича шаҳар штабининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис қатнашчилари пойтахтнинг Куйбишев районида белгиланган тадбирларнинг қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқдилар.

Маълумки, куйбишевликлар Ленин райони меҳнаткашлари билан биргаликда икки ойликни ўтказиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Район Совети ижроия комитетининг ранси А. С. Расулов ана шу ҳақда гапириб, район корхоналари ва ташкилотлари ҳамда аҳоли ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этаётганлигини таъкидлади. Баҳорги ҳашарларнинг қатнашчилари янги хиёбонлар ташкил этдилар, турар жой кварталларини, корхона ва муассасаларга туташ территорияларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича талайгина ишларни бажардилар.

Шу билан бирга ҳамма жойда ҳам белгиланган тадбирлар муваффақиятли амалга ошириляпти, деб бўлмайди. Икки ойликни ўтказиш бўйича район штаби эса район аҳолисини шанбалик ва якшанбаликларга тўла сафарбар этган эмас. Жумладан, Високовольт массивидаги аҳвол кўнгилдагидек эмас. Массивнинг 21 ва 24-ЖЭКлари территориясида рўзғор чиқиндилари уюлиб ётибди, суғориш шахобчаларини тозаланмаган. Қорасув-2 массивда Я. Колас, Черкасская ва бошқа кўчаларда ҳам шу манзарани кўриш мумкин.

Райондаги қатор корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари белгиланган тадбирларни амалга оширишга ошиқаётганлари йўқ. Жумладан, гидромелиорация техникумига туташ территория, суғориш шахобчалари тозаланмаган, ўқув корпуси хоналарини ремонт қилиш керак. Савдо жиҳозлари заводига, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти, 206-мактаб, 77-алоқа бўлимига туташ территорияда ҳам манзара ана шундай.

Штаб мажлисида «УзгипроНИИздр а в» институти, «Зарафшон» меҳмонхонаси, қатор савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг номига ҳам жиддий эътирозлар билдирилди.

Икки ойлик давомида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ободонлаштириш Бош бошқармаси томонидан катта ишлар бажарилмоқда. Бошқарма бошлиғи Ш. И. Исломов штаб мажлисида ана шу ҳақда аҳборот берди. Шу билан бирга бошқарма олдида ҳали кўпгина вазифалар турибди. Суғориш тармоқларини тозалаш, ахлатларнинг ўз вақтида олиб кетилишини ташкил этиш, кўкаламзорлаштириш ишларини авж олдириш шулар жумласидандир. Штаб аъзолари ўз нутқларида кўча сатҳидаги ўйдим-чуқурлар суст ремонт қилинаётганлиг и н и, биноларнинг ташқи деворларини ремонт қилишга киришилмаганлигини таъкидладилар. Ваҳоланки, икки ойлик ўзининг якунловчи босқичига қадам қўймоқда. Шунинг учун ана шу даврга белгиланган барча тадбирларнинг тўла бажарилиши учун бутун куч-ғайратни сафарбар этиш лозим.



Шу кунларда шаҳримизнинг Киров районида кўчалар ва проспектларни, турар жой кварталлари территорияларини кўркамлаштириш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. Райондаги корхона ва ташкилотларнинг коллективлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ўзларининг актив ҳиссасини қўшяпти.

СУРАТДА: ободонлаштириш икки ойлиги юзасидан ўтказилаётган навбатдаги ҳашарда Киров район озиқ-овқат савдоси бўлимининг ходимлари Хуршид кўчасини янада гўзаллаштиришмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

Коммунистик шанбаликка тайёргарлик кўриш шаҳар штабининг матбуот маркази хабар беради

Шошилмаяптилар

Шаҳар штаби Тошкент темир йўл станцияларида юк ортиш-тушириш ишларининг аҳволини кун сайин назорат қилиб бормоқда, юкларини ўз вақтида олиб кетмаган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларини қаттиқ жавобгарликка тортмоқда. Натижада вагонларнинг нормативдан ортиқ бекор туриши сезиларли даражада қисқарди. Масалан, февраль ойида вагонларнинг барча станциялар бўйича юк тушириш мобайнида туриб қолиш вақти январь ойига нисбатан ўртача 0,7 соатга қисқарди. Бу юк қабул қилувчилар тўлайдиган жарима 36 минг сўмликдан зиёдга қисқарди, деган гап.

Лекин қатор районларда бу йўналишда ҳали етарли иш олиб борилмаяпти. Жумладан, Ҳамза районининг корхона ва ташкилотлари январь-февраль ойларида вагондаги юкни туширилиб олиш учун ўртача 6 соат, куйбишевликлар эса 7 соат сарфлаганлар. Ваҳоланки, бир вагондаги юкни тушириб олиш учун 2,7 соат вақт белгиланган. Масалан, экскаватор заводи ҳар бир вагонни бўшатиб олиш учун ўртача 24,4 соат сарфлаганлиги учун (норма эса 2,3 соат) икки ой давомида темир йўлга 18174 сўм жарима тўлади. 1-йирик панелли уйсозлик заводига 41631 сўм, «Узвторчермет» ишлаб чиқариш цехига — 3398 сўм жарима солинди.

Март ойида «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси тартиб бузувчи юк қабул қилувчилар рўйхатига тушиб қолди. Уларнинг номига туширилиб олинадиган ҳар уч буюмнинг бири олий навли бўлади.

● «Ўртоқ» қандолат фабрикасининг ветеранлари В. Давидова. С. Васильева, Н. Воҳидова ва Д. Бузрукхоновалар В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган коммунистик шанбалик куни энг юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичига эришиш ташаббусини бошлаб беришди. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, 19 апрель куни икки норма иш бажаришга қарор қилдилар. Ветеранларнинг ташаббуси ёшлар томонидан қизғин қувватланди. Корхонада меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳаммаси шу куни топшириқни 15—20 процент ошириб бажаришга аҳд қилди. Бунга асосан зарбдор меҳнат, иш жойларини ўз вақтида тартибга келтириш туфайли эришилади. Корхона коллективи шанбалик куни ҳаммаси бўлиб 85 тоннадан зиёд қандолат маҳсулотлари тайёрлайди. Бу одатдагидан анча кўпдир.

● Цехлардан — республика газ трассаларига — «Средазгазавтоматика» заводида тайёрланган буюмлар ана шундай маршрут бўйича жўнатилади. Республика газ саноати участка ва корхоналарига иккита шкаф, тозалаш поршени ва бошқа приборлар жўнатилади. Буюмларнинг ҳаммаси яхши сифатда тайёрланади.

СТУДЕНТЛАР ҲАШАРИ

Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг немис тили факультети студентлари кўкаламзорлаштириш икки ойлигида фаол қатнашяпти-лар. Яқинда ўтказилган ҳашарда 500 дан ортиқ студент Ҳамза станциясидан то Анҳор кўпригигача бўлган масофани тартибга келтиришда қатнашди. Шу куни 1500 метр узунликдаги ирригация шохобчалари тозаланиб, сув оқиши учун равон қилиб қўйилди.

Ҳашарда факультетнинг Ч. Қобилов, Г. Наримметова, О. Зокирова, Р. Отабоева ва Г. Нурбоева сингари студентлари айниқса, жонбозлик кўрсатишди.

Немис тили факультети студентлари ўзлари оталиққа олган Ҳамза станцияси атрофида кўкаламзорлаштириш икки ойлиги пайтида 1000 туп дарахт ва 500 туп гул кўчатлари ўтқазадилар.

Э. ҚОДИРОВ.

Вагонлар бир минут ҳам бекор турмасин

ОБ-ҲАВО ВА МЕДИЦИНА

26-, 27-март кунлари Тошкент устидан ғарбий совуқ оқим ўтиши муносабати билан ҳаво ҳарорати, босими ва нисбий намлиги бироз ўзгаради. Вақти-вақти билан булутланиб турса-да, ёғингарчилик кутилмайди. Кечалари ҳарорат 4—6 даража, кундузи 12—15 даража иссиқ бўлади.

* * *

Ҳавонинг бундай илиқ ва юмшоқ келиши кишига яхши кайфият бахш этади. Унинг организмини мустаҳкамлайди.

З. МАҲАМАТИЛЛАЕВ.

телетайп лентасидан

● **ХАНОЙ.** Социалистик Вьетнам далаларида кўкламги экиш кампанияси ниҳоясига етмоқда. Республика марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, жами 1 миллион 615 минг гектар ерга шоли экилган. Бу эса планнинг 92 процентдан ҳам кўпини ташкил этади. Республиканинг энг катта шоли дарёси ҳисобланган Қизил дарёси бўйларида деҳқонлар экишни муваффақиятли ўтказишдилар. Улар бу ишни муддатидан олдин тамомладилар. Мамлакат шимолидаги кооперативлар ҳам ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай бегараз органи шу ҳақда хабар берди.

● **БРЮССЕЛЬ.** «Умумий бозор» мамлакатларида ҳозирги вақтда 6,5 миллион ишсиз бор. Бу эса меҳнатга яроқли барча аҳолининг 6,1 процентини ташкил этади. Европа ҳамжамиятлари комиссияси — «Кичик Европа» ижроия органи шу ҳақда хабар берди.

● **БАЙРУТ.** Исроилнинг босқинчи маъмурлари Қуддуснинг шимолий чегарасидаги арабларга қарашли юзлаб гектар ерларни босиб олмоқчи, деб хабар беради Фаластин ВАФА ахборот агентлиги. Шу ерлардаги 12 та қишлоқда истиқомат қилаётган араб аҳолиси ўз хонадонларидан мажбуран ҳайдаб юборилди.

Босқинчи маъмурлар тузган планга мувофиқ бу ерларга бир неча минг исроиллик кўчириб келтириладн. Бу иш амалга оширилгандан кейин Қуддусни уни узил-кесил босиб олиш мақсадида яҳудийлар истиқомат қиладиган манзилгоҳлар билан қуршаб олиш жараёни ниҳоясига етади.

● **КАНБЕРРА.** Сидней ва Мельбуридаги жун омборлари ишчиларининг икки ярим ой давом этган забастовкаси тамом бўлди. Бу забастовка Австралияда жун чиқаришни тамомила тўхтатиб қўяди.

Ишчилар иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларининг қисман қондирилишига муваффақ бўлдилар.

(ТАСС).

Партия турмуши

ШОНЛИ САНА ШАРАФИГА

Пойтахтимиз меҳнат коллективлари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Юбилейни муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш юзасидан зиммага олган юксак социалистик мажбуриятларини мўваффақиятли адо этмоқдалар. Қуйида саноат корхоналари партия комитетларининг етакчилари ана шу ҳақда сўзлаб беришади.

Асосий йўналишда

В. ПЛОТНИКОВ,

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретарининг ўринбосари.

Бирлашмами з д а мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги шонли саналарни муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш яхши анъана бўлиб қолган. Ўтинчи беш йилликнинг якунловчи йили доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги нишонланадиган шонли йилга тўғри келди. КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарори зарбдорчасига, ленинчасига ишлаш йилига айлантиришга даъват этмоқда. Бирлашмамиз барча цехларининг коллективлари бу даъватга лаббай деб жавоб бермоқдалар.

Бирлашма коммунистлари етакчилигида коллектив Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача асосий буюмлар тайёрлаш ва маҳсулот реализация қилиш бўйича ўтинчи беш йиллик топшириғини бажариш учун курашмоқда. Ленинча йилда зиммамизга олган мажбурият қанчалик юксаклигини шу беш йилликда меҳнат унумдорлигини икки марта ва ишлаб чиқариш ҳажмини эса 2,24 марта оширишга аҳд қилганимиздан ҳам билса бўлади. Бир қатор ташкилий-техникавий тадбирлар ўтказиш йўли билан асосий маҳсулот ишлаб чиқариш учун шу беш йилликда меҳнат сарфини икки марта камайтириш кўзда тутиляпти. Доҳий юбилейи шарафига тежамкорлик ва иқтисод режими янада кучайяпти. Коллектив фақат шу йилнинг ўзидаёқ 400 тонна қора ва рангли металл, 5,3 миллион киловатт-соатдан зиёд электр энергияси, 650 тонна шартли ёнилғи тежаш учун курашяпти.

Корхона партия комитети ташаббусларининг кенг қулоч ёйиши учун жонкуярлик қилмоқда. 1 ва 14-цех коллективлари В. И. Ленин туғилган кунигача тўрт ойлик топшириқни бажаришмоқчи. Икки мингга яқин киши бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш мажбуриятини олган. Ҳозиргача юзлаб кишилар вазталаларига вафо қилишди. 1045 участка, цех ва бригадалар коллективлари, 13 мингдан зиёд киши беш йиллик шахсий планларини доҳий юбилейи кунигача адо этиш учун сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. И. Гаранин, А. Шабанов, Н. Маннопов, Ю. Косенков сингари юзлаб ватанпарварлар шу кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Юбилейга бағишлаб 19 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказишга қизғин ҳозирлик кўриляпти. Коллективнинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлиги ҳар қачонгидан ҳам кўтаринкидир. Улар ўша куни энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишга, уни ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш, аъло ишлаш кўригига айлантиришга аҳд қилишган.

Шу кунларда барча идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишлар доҳий юбилейи шарафига олинган юксак мажбуриятларни тўлатўкис адо этишга коллективни сафарбар этишга қаратиляпти. О. Атурин, Г. Динабурский сингари ўнлаб моҳир пропагандистлар, агитатор ва идеология активлари ана шу йўналишда изчил иш олиб боришяпти.

Ташаббусга — кенг қанот

И. УСМОНОВ,

агрегат заводи партия комитети секретари.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1979 йил) Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосалар ишимиз дастуруламали бўляпти. Шу асосда корхонамиз партия комитети ленинча зарбдор ишлаш йили деб ном олган 1980 йилда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ҳар қачонгидан ошириш тадбирларини кўряпти. Касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларни куч-ғайратларига таяниб, корхонамиз партия комитети коллектив олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришга бош-қош бўлмоқда. Бунинг учун ташкилий-партиявий ишлар, партия, комсомол ўқуви ва иқтисодий таълим шахобчаларигача —барча воситалардан самарали фойдаланиляпти. Масалан, бу ерда раҳбар ходимлар ва инженерлар учун ташкил этилган иккита назарий семинар, марксизм-ленин и з м университетининг Собир Раҳимов район партия комитети қошидаги филнали машғулотлари, марксизм-ленинизмнинг тўққизта мактаби, 40 та иқтисодий таълим ва ёш коммунистлар мактабларида асосий диққат-эътибор доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ҳозирги ишлар савиясини ҳар томонлама оширишга қаратилган.

Корхонамиз ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари ленинчасига ишлаш йилида қишлоқ хўжалиги механизаторларига ОВХ—28 пуркагич-чанглагич, янги редукторларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун курашишяпти. Булар қишлоқ хўжалик механизаторларининг экин зараркунандаларига қарши курашини кучайтириш ва ғўза баргини сунъий равишда тўкиш ишларини жадаллаштиришга катта ёрдам бермоқда. Янги редукторлар комплектлари фрезерлик культиваторлари учун ҳам тайёрлаб берилаяпти. Шуни айтиш кифоя, энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган фрезерлик култиваторлари учун редукторлар ишлаб чиқарадиган конвейернинг шу йилда ишга туширилиши, шак-шубҳасиз, қишлоқ хўжалигининг бундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини янада тўлароқ қондиради.

Корхонада бирон ташаббус туғилса, партия ташкилоти дарров илгаб олади. Яқинда коммунистлар Ю. Жавронков ва В. Поливановский ўртоқлар бошчилик қилаётган комплекс бригадаларининг ягона нарядга ўтиб ишлаш юзасидан бошлаган ташаббуслари кўриб чиқилди. Маълумки, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг планлаштиришни яхшилаш, хўжалик механизмининг иш самарадорлиги ва сифатини оширишга таъсирини кучайтириш тўғрисидаги қарорида ягона нарядга ўтиб ишлаш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишнинг асосий формаси бўлиб қолиши зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Корхона партия комитети партиямизнинг ана шу кўрсатмасидан келиб чиқиб, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига бевосита корхонамизда туғилган бу ташаббусни маъқуллади ва уни кенг ёйишга қарор қилди.

Йилнинг дастлабки икки ойидаги об-ҳаво қурувчилар учун жуда ноқулай бўлди. Тез-тез ёмғир, қор ёғиши қурилишга халақит берди, ташқи монтаж, пардоз, тупроқ ишларини бажариш қийинлашди. Йилнинг бошида об-ҳаво шундай бўлишини бу ерда билмасликлари мумкин эмас эди. Айнан об-ҳаво шароити ҳисобга олингани ҳолда қурилиш графиги тузилди, бундан мақсад бекор туриб қолиш ва иш вақтининг йўқолишини иложи борича камайтириш эди.

Бу даврда бутун кучни ип пардозлаш фабрикалари ҳамда электр ремонт-механика цехлари маъмурий-маиший корпусларининг ички қисмидаги ишларни тугаллашга, бўяш цехидаги ва ип фабрикасининг компрессор бўлимидаги нуқсонларни тугатишга қаратилди. Бундан мақсад бу объектларни тезроқ ишга туширишдан иборат эди. Бу қарорнинг оқилоналиги аён эди. Чунки об-ҳавонинг нобоплиги бинолар ичидаги ишга ҳалақит бермасди.

Бир қарашда бош пудратчи ташкилот «Ташпромстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси ва ёрдамчи пудратчи ташкилот янги қурилиш графигини тузишганда иш бир зум тўхтамай давом этиши учун ҳамма нарсани эътиборга олишди: маъмурий - м а ш и й корпусга иссиқлик улашни олдиндан белгилашганда кейинроқ бу ишни бажаришда сантехниклар, электриклар, пардозчилар қийналиши мумкинлигини билишди. Фақат белгиланган вазифаларни бажариш қолганди.

Бироқ, 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бўлинмаларини бу гал ўзларини яхши кўрсатишолмади. Ёрдамчи пудратчилар объектларда одамлар миқдорини кўпайтирганда улар нима қилишларини биролмай қолишди. Бош пудратчи ўз вақтида иш майдони тайёрлаб беролмади, ташкилий масалалар билан чинакам шуғулланмади, юз берган проблемаларни ҳал этишмади, қолоқликка йўл қўйишди.

Сўнгги планёркалардан бирида бош пудратчининг сусткашлиги одилона танқидга учради. Гап шундаки, 1-қурилиш-монтаж бошқармаси комбинатни реконструкция қилишда белгиланганига нисбатан 25—30 та кам одам етказиб беряпти. Бунда одамларнинг асосий қисми ишга тушириладиган объектларга эмас, балки янги қурила бошланган объектларга юборилади. Бундан ташқари, иш устидан дуруст назорат ўрнатилмаган. Кўпинча одамларни ўз иш жойларида кўрмайсиз, тушлик чўзилиб кетади, «перекур» ҳам кўп. Бетон, темир-бетон конструкциялар, балкалар, опалубкалар етарли етказиб берилмаётгани ҳам қурилишга тўғаноқ бўляпти.

Натижада март ойининг биринчи ўн кунлигида 1-қурилиш-монтаж бошқармаси белгиланган топшириқдан 10 минг сўмлик ортда қолди. Аҳволни яхшилаш учун монтаж ишларини икки сменада амалга оширишга қарор қилинди. «Ташпромстрой» трести раҳбарлари 17 мартда темир-бетон конструкцияларни тўлиқ етказиб беришга ваъда беришганди. Лекин ҳозирча ғезилар ўзгариш йўқ.

Пардозлаш - қурилиш бошқармаси ҳам план-топшириғини уддалай олмаяпти. Пландаги 10 минг сўмлик ўрнига аслида топшириқ фақат 8 минг сўмлик бажарилди.

Тўғри, бу ерда пардозчиларни айблаш қийин. Объектларда бу ташкилотдан 65 киши меҳнат қиляпти. Белгиланган вазифаларни бажариш учун бу етарли. Лекин уларга бош пудратчилар тўғаноқ бўлишяпти. Улар ип фабрикасининг бўяш цехида иш майдони тайёрлаб беришганни йўқ. Ахир, пардозчилар бу ерда бундан 20 кун аввал пол ётқизишга киришишлари керак эди. Ип, пардозлаш фабрикалари ва электр ремонт-механика цехининг маъмурий-маиший корпусларида ҳам иш майдони тайёрлаб берилмади.

Ҳозир ип ишлаб чиқаришида қурилиш-монтаж ишларини тезлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. «Энергомонтаж» ёрдамчи пудратчи ташкилоти компрессор бўлимида яқин кунларда ишни тугаллашлари керак. Пардозчилар ва қурувчилар эса 1 апрелга қадар барча камчиликларни бартараф этиб, компрессор бўлимини тўла фойдаланишга топширишлари лозим.

Дирекция бундан ташқари «Энергомонтаж» мутахассисларини март ойининг охиригача «Хисака» янги бўяш ускунасини монтаж қилиб улгуришлари керак.

Тошкентдаги 2-монтаж бошқармасининг электриклари бўяш цехида чироқлар ўрнатишлари керак эди. Лекин улар қийин аҳволда қолишди. Гап шундаки, чироқларнинг анчагинаси ўтган йилнинг бошида ўрнатилганди. Уларнинг бир қисми ускуналарни монтаж қилишда шикастланган экан.

Энди эса бу чироқларни иложи борича тезроқ алмаштириш лозим. Бу ишни 2-монтаж бошқармаси раҳбарлари ва комбинат бош директорининг қурилиш ва ремонт ишлари бўйича ўринбосари Р. Аблаев ташкил этишлари лозим.

Ҳар бир ёрдамчи пудратчи ташкилот— «Промвентиля ц и я» бошқармаси, 1-«Стройтермоизоляция», «Узглавтехмонтаж» бошқармалари қурилаётган ип фабрикасида ишни тезлаштиришлари учун аниқ вазифалар белгиланди.

«Тошкент оқшоми» коллектив мухбири — «Тўқимачилар овози» газетаси редакцияси.

Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида

КОРХОНА РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИНЯПТИ

Бутун эътибор—ишга тушириладиган объектларга



«Госкомсельхозтехника»нинг тажриба-ремонт механика заводи бу йил қишлоқ механизаторлари учун 7500 трактор моторлари ва 4200 гидравлик прессларни ишлаб чиқаради.

СУРАТДА: илғор сиховчи Николай Шипилов ва бўёқчи Сунгатилла Зайнуллаев навбатдаги двигателни тайёрлаш пайтида.

М. Нуриддинов фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

РАДИОРЕМ ЛИНИЯСИ

ПРАГА. Братислава Нитра— Кошице ўртасида радиорем линияси ишга тушди. Унинг асосий вазифаси Ужгород шаҳридан Братиславагача авало «Интервидение» программаси бўйича халқаро телевизион программаларни ўзаро айирбошлашни таъминлашдан иборат.

Адоқачилар г и н а эмас, балки Чехословакия спорт ишқибозларининг кўп миллионли армияси бу воқеани сабрсизлик билан кутишди, чунки янги линия Москвада бўладиган ёзги олимпия ўйинларини олиб кўрсатишни таъминлайди.

ЛЕНИН КУНЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

СОФИЯ. Мамлакатнинг завод ва фабрикалари цехларида, Видин округи қишлоқларида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги байрами кунларида Болгариянинг машҳур солистлари ва музика коллективлари ўз санъатини намойиш қилади. Мактаб ўқувчилари учун махсус программа тайёрланган.

Гидроэлектр станция

БУХАРЕСТ. Руминияда Сомеш дарёси бўйида қурилаётган тўртта гидроэлектр станциядан биринчиси фойдаланишга топширилди. Унинг лойиҳадаги қуввати 150 минг киловаттдан иборат. Шу станция ишга туширилганлиги туфайли Руминиянинг яна бир дарёсидаги гидроэнергетика қувватини ўзлаштириш бошланди. Тўртта станция ишга туширилгандан кейин Сомеш дарёси ҳар йили халқ хўжалигига 700 миллион киловатт соатдан кўпроқ электр энергия беради.

Оғир муаммо

Ҳар йили тахминан бир миллионга яқин америкалик болалар оилавий ажрим туфайли тирик етим бўладилар. Бу ҳақда яқинда «Ньюсуик» журнали хабар берди. Ҳозирда АҚШда, — деб ёзади журнал,— ота-онаси бир-биридан ажралган 18 ёшгача бўлган 12 миллион бола яшайди. Коннектикут штатининг болаларни ўрганиш Маркази директори Альберт Солнитнинг фикрича ажрим учрайдиган болаларни соғлом ўсишига путур етказаётган 80-йилларнинг муҳим ва оғир муаммолардан бирига айланиб қолмоқда.

Текширув натижаси болаларнинг ота-она ажримига кўникиши улар ҳаётида қай усулда бўлмасин, оғир из қолдиришини исботлади. Болалар шу даврда ниҳоятда тушкун даврни бошдан кечирадилар. Оилавий ажрим фожиаси айниқса эркак болаларда қизларга нисбатан оғир таассурот қолдираркан. Бунинг натижасида аввало уларнинг ўқишида сусайиш рўй беради. Улар ўзларини бошқача тутадилар. Одатда бундай вақтларда қизлар маълум давргача камгап ва индамас бўлиб қоладилар.

Болалар учун ҳаётда ота-она ажримидан оғир ташвиш йўқ. Тадқиқот эр-хотин ажрими 2—4 ёшгача бўлган болаларнинг соғлом ўсишига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатишини асослаб берди. Олтидан саккиз ёшгача бўлган болалар кўпинча ота-она ажримида ўзларини қисман айбдор ҳисобласалар, саккиздан ўн икки ёшгача бўлган болаларда ажрим ташаббускори бўлган ота ёки онага нисбатан нафрат уйғонар экан.

Бу муаммо АҚШда миллий фожиа ҳарактерини касб этмоқда. Бундан ташвишга тушган кўпгина болалар психологлари ажрим даврини ўсмирлар қай усулда бошдан кечиришлари лозимлиги тўғрисида қўлланмалар яратишга киришиб кетишди. Бу темадаги сўнгги китоблардан бири мактабгача бўлган болалар учун мўлжаллаб чиқарилган «Ойим дадам билан ажралишди» деб номланган қўлланмадир.

Эр-хотин ажримининг гуноҳсиз қурбонлари, — деб ёзади журнал, — машҳур киносюжетларнинг ҳам «қаҳрамонларига» айланиб қолмоқда. Жумладан, шундай сюжет 1927 йилда Клара Бау ва Гарри Купер лар томонидан суратга олиниди. «Ажрим қурбонлари» деб аталган бу кинолавҳада ота-она ажрими туфайли бир ёш боланинг безори бўлиб кетиши ва бора-бора ўз жонига қасд қилиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Ўтган йилнинг охирида Америка экранларига «Крамер Крамерга қарши» деган фильм чиқарилди. Ҳамон томошабинлар томонидан зўр иштиёқ билан кўрилаётган бу лентада ҳам ота-она ажрими ҳақида сўз боради. Картина маркасанда' Крамерларнинг ўғли туради. Ота-она ажрими туфайли у бошидан ўтказган фожиалар тасвирланади. Фильм авторларининг фикрича «Ажрим эр-хотин учун ҳам, фарзанд учун ҳам катта бахтсизликдир».

«Ньюсуик» журнали ўз мақоласида Америка болаларининг ностабиллиги умумжамият тараққиётига ҳам маълум даражада ўз салбий таъсирини кўрсатаяпти, деган хулоса чиқаради.

АПН.

ПУЛ СИСТЕМАСИ *ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ*

ПНОМПЕНЬ. Кампучия Халқ Республикасида 20 мартдан бошлаб пул муомаласи жорий этилди. Мамлакатнинг Халқ Революцион кенгаши Риелни пул бирлиги деб тасдиқлади. Кампучия Халқ Республикаси молия министри, Кампучия халқ банки директори Чан Пхин бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида шуни айтди.

Маълумки, полпотчилар бундан қарийб беш йил илгари мамлакатда пулни бекор қилган эдилар. Пул системасининг тикланиши, деб таъкидлади министр,— мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга рағбатлантиради ва унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини изга солишга кўмаклашади.



Спорт чегара билмайди... Француз — Швейцария чегараси яқинидаги Франция территориясига жойлашган тоғлардан старт олган дельтапланёрчи бир неча вақтдан сўнг Швейцариянинг Женева денгизи районига муваффақиятли қўнди.

СУРАТДА: Женева денгизи устидаги парвоз вақти.

Камера пресс — ТАСС фотоси.

КОНВЕЙЕРДАН ЯНГИ ТУШДИ

«НАВРЎЗ» ВА «ХУРСАНДЛИК»

Ўзбек халқи қадимқадимдан сандиққа ўзининг энг ноёб нарсаларини, кийим-кечакларини сақлаб келган. Ҳозир ҳам у миллий буюмлардан бири ҳисобланади. «Ўзбекпроектмебель» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг лойиҳа конструкторлик-технологик бюросига қарашли мебель конструкциялари бўлими ходимлари ана шундай сандиқлардан икки хилининг нусхасини ишлаб чиқдилар.

Бу янги сандиқларга «Наврўз» ва «Хурсандлик» деган ном берилди. Улар жуда бежирим ишланган бўлиб, ҳар қандай хонага чирой бахш этади. Унинг корпуси замонавий мебеллар формасида ишланган.

Бундай миллий сандиқларни бу йил Ўқон мебель фабрикаси ишлаб чиқара бошлайди.

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ЙЎЛ

ХИЛИ КЎПАЙТИРИЛДИ

Олмалиқ рўзғор химияси заводи ишлаб чиқаришни ўзлаштирган самарали ювиш препарати «Био» деб номланган. Бу модда ҳар қандай газламалардаги доғларни кетказиш учун мўлжалланган. «Био» препарати завод коллективи барча иттифоқдош республикаларга етказиб бераётган ўтизинчи маҳсулот туридир.

(ЎзТАГ).

2 ТОШКЕНТ бет оқшоми

25 МАРТ, 1980 й.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

КИРОВ ВА СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

КЎП, ЯХШИ, АРЗОН

Шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда Киров райони саноат корхоналари, маҳсулот реализацияси ҳажми бўйича январь ойи планини 101,6 процент, Собир Раҳимов райони 102,5 процент, яппи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича эса 101,4 ва 102,3 процент бажардилар. Ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсиш суръати 106,3 процент ва 106,4 процентни ташкил этди.

Киров райони корхоналари меҳнат унумдорлигини ўстириш планини 101 процент, Собир Раҳимов райони корхоналари 102,3 процент бажардилар; меҳнат унумдорлигини ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 106,1 ва 105,9 процент бўлди; бунда Собир Раҳимов районида ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсишига, Киров районида эса 96,8 процентига меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Мусобақадош районларда барча корхоналар асосий кўрсаткичлардан бўлган маҳсулот реализация қилиш ҳажми юзасидан топшириқни муваффақиятли бажардилар. Бироқ, Киров районида бир корхона, Собир Раҳимов районида эса икки корхона меҳнат унумдорлигини юксалтириш бўйича топшириқни бажара олмади.

Киров райони саноати икки ой мобайнида планга нисбатан 116,9 процент маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқарди. Собир Раҳимов районида эса бу кўрсаткич 102,8 процентни ташкил этди. Маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,2 ва 108,9 процентни ташкил этди.

Киров районида ўтган ой планини олти цех, 56 бригада ва участка, 339 ишчи, Собир Раҳимов районида 2 цех, 13 участка ва бригада, 385 ишчи бажаролмади.

Қурилиш-монтаж ишлари планини (марказлашган молиявий манбаалар— 1980 йил январь ойи маълумоти) Киров районида 112 процент, Собир Раҳимов районида 72 процент бажарилди. Шу билан бирга Киров ва Собир Раҳимов районлари турар жойни фойдаланишга топшириш бўйича январь ойи планини бажара олмадилар.

Самарадорлик учун актив кураш олиб бориш бу —маҳсулот сифатини тинмай яхшилаб бориш, унинг техник даражасини, мустаҳкамлигини, чидамлилигини ошириш учун интилиш демакдир. Масалан, Киров районида бу борада катта ишлар қилинаяпти. Беш корхонада маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси жорий этилди. Районда фахрли беш қиррали белгиси бўлган 130 бу-юм тайёрланаяпти. Уларнинг маҳсулотнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 20 процентни ташкил этади. Давлат Сифат белгиси бўлган маҳсулотларнинг салмоғи айниқса «Ўзбексельмаш», «Малика» бирлашмаларида, асбобсозлик заводида, «Ўртоқ» фабрикасида юқори. Бу меҳнат коллективларида корхона маркаси юқори қадрланади. Бу ерда олий категориядаги буюмлар миқдори тинмай ортиб боряпти. Масалан. «Ўзбексельмаш» заводида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан фахрли беш қирали белгиси бўлган деталлар ва узеллар тайёрлаш 5,2 баравар ўсди.

Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари икки ой мобайнида Сифат белгиси билан қарийб 8 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Бундай маҳсулотлар айниқса «Компрессор» ва агрегат заводларида кўп тайёрланди.

Собир Раҳимов районида барча корхоналарда маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси жорий этиляпти. Беш корхонада эса бу система жорий этилган.

Меҳнат коллективларининг фабрика, завод марказ шарафи учун, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун фаол кураш олиб бориши оз маблағ сарфлаб, планда белгиланган ҳажмдагидан кўп маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини беряпти. Масалан, планга қўшимча 6 та компрессор, 54 та сеялка, нефть конларига ускуналарининг 2 минг сўмлик эҳтиёт қисмлари, 240 минг сўмлик мебель, 140 минг сўмлик устки ва ички трикотаж буюмларни ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди.

Мусобақадош районлар январь-февраль ойларида планга қўшимча 1576 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар, шундан 140 минг сўмлигидан ортиги социалистик мажбуриятга қўшимча тайёрланди. Киров ва Собир Раҳимов районлари меҳнаткашлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни анча оширдилар.

Кўпгина корхоналарда беш йилликнинг якунловчи босқичида «Оз маблағ ва куч сарфлаб, кўплаб юқори сифатли маҳсулот тайёрлайлик» шиори остидаги социалистик мусобақа айниқса самарали бўляпти. Бу коллективларда меҳнат бир маромда ташкил этилган, барча цех ва участкалар унумли ишлаяпти. Булар «Узбексельмаш», Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси, «Ўртоқ» фабрикаси (Киров райони), «Компрессор», «Миконд», агрегат (Собир Раҳимов райони) заводларидир.

Бироқ, ҳали ҳамма жойда ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашга етарли эътибор берилмаяпти. Бир қатор корхоналарда одат бўлган ой охиридаги штурмчилик, сменадан ташқари пайтларда ҳам ишлаш катта зиён етказаяпти. Масалан, машинасозлик учун универсал станоклар тайёрланадиган «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини олайлик. Бу ерда тайёр маҳсулот асосан ойнинг сўнгги ўн кунлигида буюртмачиларга жўнатилади. Штурмчилик эса шошма-шошарликка, пала-партишликка олиб келишини ҳамма яхши билади. Айрим меҳнат коллективларида меҳнат унумдорлиги паст. Масалан, кўн-галантерея буюмлари фабрикасида прогулчилик, меҳнат интизомини бузиш ҳоллари кўп. Корхона ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш ҳажмини анча пасайтириб юборди. Мусобақадош районларда 600 дан ортиқ ишчи нормасини бажаролмайди. Чунки улар яхши меҳнат маҳоратига эга эмаслар.

Районларда янги техникани жорий этиш бўйича катта ишлар қилинаяпти. Шу йилнинг ўзида корхоналарда кўпгина янги ускуналар ўрнатилди. Бироқ, янги техникага муносабат турлича. Масалан, «Компрессор» заводида техника билан қуролланиш даражаси юқорилиги туфайли давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқариш анча кўпайди. Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлашмасида эса мана икки йилдирки, рангли плиталар ишлаб чиқарадиган янги линия ҳаракатсиз ётибди. У билиб фойдаланилмаслик, ўз вақтида ремонт қилмаслик оқибатида ишдан чиқди. Подшипник ремонти, экскаватор ремонти заводларида ўрнатилмаган ускуналар бор, ишлаётганларидан эса дуруст фойдаланилмайди.

Киров районида январь ойининг ўзида маҳсулот таннархи 136 минг сўмга, Собир Раҳимов районида 92 минг сўмга қимматлашиб кетганини шу билан изоҳласа бўлади.

Қарийб ҳар бир корхонада меҳнат унумдорлигини ўстириш резервлари, маҳсулот сифатини яхшилаш имкониятлари бор. Ҳамма гап улардан қандай фойдаланишда. Ишга ижобий ёндошиш муваффақиятни таъминлайди.

Меҳнат коллективларининг бурчи буюмлар сифатига талабчанликни тинмай оширишдан, уларни оз куч ва моддий маблағ сарфлаб ишлаб чиқаришдан иборат.

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«Қачонгача?»

Шу сарлавҳа остида берилган материалда Юнусобод массивидаги 5-уйнинг тўртинчи қаватига совуқ сув чиқмаётгани кўрсатилган эди.

Киров район уй-жой бошқармасидан маълум қилинишича, сув таъминоти нормал ҳолга келтирилган.

«Кўчалар ҳуснидаги доғ»

Газетада юқоридаги сарлавҳа остида босилган материалда Космонавтлар, Ширин, Жомий кўчаларидан аҳлат вақтида олиб кетилмаётгани танқид қилинган эди.

Автодормехбаза шаҳар ишлаб чиқариш трестидан маълум қилинишича, Киров районидаги юқоридаги кўчалар батамом тозаланган. Шу кўчаларга мутасадди қилиб қўйилган шофёр В. Живаевга нисбатан чора кўрилган. Эксплуатация бўлимининг махсус машиналарга назорати кучайтирилди.

БУЮК НОТИК

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» қабул қилган қарорида идеология ишини сифат жиҳатдан юксак даражага кўтариш алоҳида таъкидланади, «Идеология иши ривожланган социализм талабларига, коммунистик қурилишнинг янги вазифаларига жавоб берадиган тарзда сифат жиҳатдан янада юксак даражага кўтарилиши лозим» дейилади унда.

Бу сўзларни озгина пропагандага татбиқ этиш унинг таъсирчанлигини ҳар тарафлама кучайтиришга, барчала айтилаётган ва оммалаштирилаётган ғоялар онгли ва мустаҳкам коммунистик эътиқодга айланишига эришиш зарурлиги тўғрисидаги йўл-йўриқдир.

Лекция бевосита коммуникациянинг турларидан бири бўлиб, бунда нотиқ билан тингловчиларнинг орасида масофа ёки вақт тўсиғи бўлмайди. Бу лекция пропагандасининг энг асосий ва муҳим хусусиятидир. Оғзаки пропаганданинг энг катта устунлиги ҳам ана шунда. В. И. Ленин «ошкора реферат ўқиганингда оммага гапирасан, у билан бевосита алоқа қиласан, уни кўрасан, у билан танишасан, унга ўзингча таъсир қиласан», деган эди. Кўрамизки, В. И. Ленин одамлар билан гаплаша олиш, оммага жонли сўз билан таъсир кўрсатиш маҳоратига ғоят катта аҳамият берар эди. В. И. Ленин халқ олдида сўзлаш санъатини юксак қадрлар эди.

В. И. Ленин марксча агитация принципларини, формалари ва методларини изчиллик билан ривожлантирди. Ленин агитация билан пропагандани партия ва оммани боғлаш воситаси, оммани жаҳоншумул тарихий вазифаларини ҳал этишга сафарбар этиш воситаси деб билар эди. «Коммунист қаерда гапиришдан қатъий назар, — деган эди Ильич Клара Цеткин билан суҳбатда, — у омма ҳақида ўйласа, омма учун гапириши керак». Ленинниг бу фикри марксизм-ленинизмнинг тарихий ижодкори халқдир деган асосий қондасидан келиб чиқади.

В. И. Ленин нотиқлик санъатининг йирик назариётчисигина эмас, аввало унинг ажойиб ижрочиси, амалиётчиси ҳамдир.

Ҳақиқатан ҳам В. И. Ленин революцион агитация ва пропагандининг моҳир устаси, тенги йўқ нотиқ эди. Унинг нотиқлик мероси жуда катта.

Тўла асарлар тўпламига кирган 9 минг асари ва ҳужжатларидан 600 дан кўпроғи нутқ, доклад ва чиқишлардан иборат. В. И. Ленин нутқлари ҳамиша ўзининг чуқур мазмундорлиги, назарий теранлиги, шаклан аниқ ва ифодавийлиги билан характерланади. У қуруқ сўзларни, шунчаки гапиришни ёмон кўрар, нутқнинг фактларга бой, аниқ, ёркин бўлишига алоҳида эътибор берарди.

В. И. Ленинниг нутқлари ҳаққонийлик руҳи билан суғорилган бўлиб, бирор масалани талқин этар экан, аниқ фактларга мурожаат қилар, бошқалардан ҳам худди шундай аниқ фактларга асосланган ҳаққонийликни талаб қилар эди.

В. И. Ленин 1920 йилда партиянинг IX съездига қилган докладида «Душманларимиз агитация ва пропагандани ривожлантиришда ажойиб ишлар қилганимизни гапиран ва эътироф қилган эканлар буни ташқи томондан, яъни бизда агитаторлар кўп эди ва кўп қоғоз сарф қилинади, деб тушунмаслик керак, балки буни ички томондан, яъни бу агитацияда бўлган ҳақиқат ҳаммамнинг миясига сингиб борди, деб тушунмоқ керак. Демак бу ҳақиқатдан қочиб бўлмайди», деб таъкидлаган эди. Чиндан ҳам коммунистик пропагандининг кучи, қудрати ва таъсирчанлиги аввало унинг ҳаққоний эканлигидадир. Виждонан ҳалол меҳнат қилиб ҳаёт кечирувчи меҳнаткашлар ҳаммавақт ҳаққоният тарафдори бўлганлар. Шунинг учун «Революциянинг буюк трибуни» деб донг таратган доҳиймиз В. И. Ленинниг барча нутқ ва докладлари кенг меҳнаткашлар онгига тез сингиб кетар ва ҳаракат учун қўлланмага айланар эди. Доҳиймиз ўз нутқларида аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни очиқ-ойдин айтар эди.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек «Ижтимоий ҳаётимизнинг актуал масалаларини ошкора муҳокамага қўйишдан қўрқиш, ҳал этилмаган проблемаларни, кескин масалаларни ҳас-пўшлаб четлаб ўтиш, реал ҳаётимизда мавжуд бўлган камчилик ва қийинчиликлар ҳақида ломмим демаслик каби ҳоллар ҳануз учраб туради. Бундай ҳоллар партия томонидан ғоявий-тарбиявий иш олдига қўйилаётган вазифаларга зиддир».

Социалистик пропаганда — ҳаётнинг ҳақиқий манзарасини, ютуқларини ҳам, камчилик ва қийинчиликларини ҳам равшан кўрсатувчи реалистик пропагандадир. Объектив илмий асосланган танқид ва ўз-ўзини танқид социалистик жамиятга хос қонуниятдир. Танқид турмушда содир бўладиган баъзи камчилик ва нуқсонларни аниқлашга, уларнинг олдини олишга ёрдам бериши лозим. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг партия XXV съездидаги якунловчи нутқида айтган қуйидаги жумлалар барча пропагандистларимиз учун дастурдир: «Агар биз эришилган натижаларга муносиб баҳо бериб, диққат ва эътиборимизни бизда ҳали ҳам мавжуд камчиликларга, ҳал этилмаган вазифаларга қаратсак, тўғри иш қилган бўламиз, ленинча иш кўрган бўламиз.

Ишга худди мана шундай ёндошиш коммунистларнинг ва бутун халқимизнинг сиёсий активлигини ва ижодий ғайратини ўстиришга ҳаммадан кўра яхшироқ ёрдам беради, деб айтсак, съезд делегатлари бу фикрга қўшиладилар деб ўйлайман».

В. И. Ленин бутун революцион фаолияти давомида агитация ва пропаганда пролетариатнинг, барча меҳнаткашларининг дунёда ўзгартириш йўлида олиб бораётган революцион кураши билан бирга бориши, унга ҳар томонлама ёрдам бериш учун, у ҳаётнинг ўзидан келиб чиқиб, ўз навбатида ҳаёт жараёнига фаол таъсир кўрсатиши, уни механикашлар манфаатини кўзлаб ўзгартиришга актив ёрдам бериши учун ҳаракат қилди.

Лекция пропагандасининг асосий мазмуни ҳамиша партиямизнинг айни замондаги ички ва ташқи сиёсати ҳал қилаётган вазифалар билан, совет кишиларининг ҳаётий-ижодий манфаатлари билан чамбарчас боғлангандир. Лекторларни оғзаки пропагандининг ленинча назарий масалаларни турмуш билан, коммунистик қурилиш практикаси билан чамбарчас боғлаб олиб бориш принципига қатъий амал қилишлари тингловчиларга жаҳон тараққиётининг бориши ва истиқболларини яхшироқ англашга, мамлакат ичкарисидаги ва халқаро майдондаги воқеаларни тўғри тушуниб олишга ёрдам беради, партия қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун курашга руҳлантиради.

Шунинг учун ҳам партиямиз «Пропаганда ва агитациянинг ишчанлиги ва конкретлиги унинг ҳаёт билан, хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш билан боғланиши кучайтирилсин» деб қатъий талаб қилмоқда.

В. И. Ленинниг барча нутқ ва чиқишлари коммунистик партиявийликнинг ёркин намунасидир.

В. И. Ленин ўз нутқ ва лекцияларини халқчил, тушунарли ва қизиқарли бўлиши учун турли методларни қўллаган. Жумладан, В. И. Ленинг нотиқлик фаолиятида бадиий адабиётдан кенг фойдаланган диққатга сазовордир. У ўз нутқ ва мақолаларида, ҳатто йирик илмий асарларида ҳам энг яхши ёзувчи ва шоирларнинг образлардан усталик билан фойдаланарди.

Ҳақиқатан ҳам В. И. Ленин асарларини варақлар экансиз, унда А. С. Пушкин, И. С. Тургенев, А. П. Чехов, Н. В. Гоголь, И. А. Крилов, М. Горький ва бошқа ёзувчи ҳамда шоирларнинг асарларидан келтирилган характерли мисоллар, ажойиб ўхшатишлар усталик билан ишлатилганлигининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек Ленин халқ донишмандлигининг дурдоналари ҳисобланган халқ мақол ва маталларидан ҳам ўз нутқ ва чиқишларида усталик билан фойдаланган. Унинг барча нутқ, доклад, мақола, хатларида ва йирик асарларида 700 га яқин мақол, матал ва қочириқ сўзлар ишлатилганлиги мутахассислар томонидан қайд қилинган.

Сатира ва юморни қўллаш бобида ҳам В. И. Ленин нотиқлик санъатида юксак даражага эришган. Унинг нутқ текстларида ўнлаб «кулги», «давомли кулги», «олқишлар» каби стенографик изоҳлар учрайди.

Эмоционал сержилолик ҳам Ленин нотиқлик санъатининг характерли хусусиятларидан биридир.

В. И. Ленинниг грамофон нутқлари ҳам, унинг нутқини эшитган кишилар ҳам, доҳий ролини ижро этган актёрлар нутқи ҳам, доҳий нутқлари текстлари ҳам унинг нутқи ниҳоятда мазмундор, жўшқин ва таъсирчан, содда, тушунарли ва қизиқарли бўлганлигидан далолат беради.

Кўрамизки, В. И. Ленинниг нотиқлик санъати кенг ва сермазмун бўлиб, уни тадқиқ этиш ва кенг оммага етказиш муҳим аҳамиятга эгадир. В. И. Ленинниг нотиқлик маҳорати кўп сонли идеология ходимлари учун жуда катта намуна мактабидир.

Ҳ. ЖАЛИЛОВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг доценти.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

МАГНИТ МАЙДОНИНИНГ ИХТИЁРИДА

Ультрацентрифугалар тадқиқотчиларнинг муҳим асбобидир. Ураниларнинг модданн улар ёрдамида тархибий қисмларга ажратиб, фан учун керакли маълумотлар олинади. Бу қурилмалар амалиётда микробиология саноати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлашда ҳам кенг қўлланилади.

Академик И. Кикоин бошчилигида бир гуруҳ совет олимлари принципал янги конструкцияли центрифуга яратдилар. Илгариги конструкцияларда ўта юқори тезликларда энг зиф деталлар ҳисобланган вал ва редуктор ролини бу ерда ўз зиммасига магнит майдонлари олди. Улар ичида модда ажраладиган роторни фақат айлантиришгина қолмай, муаллақ ҳолатда ҳам ушлаб туради. Барча маълум намуналардан соддалиги ва ишончлиги бўйича устун турадиган янги қурилма АҚШ ва Англияда патентланди.

СИНТЕЗ ЙЎЛИ БИЛАН

В. И. Ленин номли Иваново энергетика институти ферромагнит суюқликлар илмий-тадқиқот лабораториясининг коллективи деярли ишламайдиган подшипникларга тайёрлашни йўлга қўйди.

Мана 10 йилдирки физиклар, химиклар, математиклар, технологлар бу ерда ажойиб хоссага эга бўлган моддаларни синтез қилиш ва ўрганиш билан шуғулланмоқдалар.

Бизнинг лабораторияишлари билан танишишимиз қарийб бир фокусга ўхшаган иш билан бошланди. Менинг қўлимга аллақандай суюқлик қуйилган стаканни тутқизиб, уни чайқатишни таклиф этишди. Қора кофега ўхшаш бу суюқликни қошиқда осонгина айлантириш мумкин эди,

— Энди шу стаканни мана бу ёққа қўйинг, — профессор Д. Орлов чоғроқ бир приборни кўрсатди.

Шундай қилиб, қошиқни зўрға бир-икки айлантира олдим, шундан сўнг у қотиб қолди. Идишдаги суюқлик қаттиқ материалга айланди. Приборлар панелида тумблер шиқиллаши билан шу қаттиқ материал бир лаҳзада яна «эриб кетди».

— Олдимизда суюқ магнит деб аталмиш магнит турибди, — дейди Дмитрий Васильевич. — Унинг қовушоқлиги магнит майдонининг кучланганлигига қараб ўзгаради. Шундай ҳоссага эга бўлган материаллар техникада мўъжизалар яратса олади. Масалан, машинасозлар олдида кўзғалувчи узелларни герметиклаштириш д а н иборат жуда муҳим проблема туради. Мавжуд методлар ҳозирча етарлича пухта эмас. Ферросуюқликлар ёрдами билан эса кўзғалувчи деталлар оралиқда ҳеч нарса ўтказмайдиган тиқин вужудга келтириш мумкин бўлмоқда.

Магнит подшипниклар ана шу принцип билан ишлайди. Уларда сальник ўрнида махсус суюқлик ишлатилади, вал теварагида эса доимий магнит маҳкамланади. Вал атроф деворга тегмай, яъни қарийб ишқаланмай айланади. Бу конструкция жуда оғир шароитларда: ғоят катта тезлик билан вакуум насосларда ҳамда босим юз атмосферагача ўзгарадиган шароитларда текшириб кўрилди. Шунда ҳам герметиклик ҳеч бузилмади, ишқаланадиган сиртлар эса едирилмади.

— Ферросуюқликларни қўллаш шу билан чекланмайди, — деб давом қилди олим. — Улар медицинада, приборсозликда, газни қайта ишлашда, рудани саралашда самарали янги техникавий ечимлар сари йўл очиб беради.

(ТАСС).



КИНО

МАРКОВИЧ КИМ БЎЛГАН?

... Тақдир тақозоси билан Драгович босмачилар қўлига асир тушиб қолади ва аранг ўлим чангалидан қутулиб, яна жанговар сафга қайтади. Кунлардан бирида у Исмоилбек бошлиқ босмачи тўдаларини тор-мор этиш топшириғини олади. Бу жанговар буйруқ эди. Драгович топшириқни бажараётган кезлари бадавлат, нуфузли оиланинг ягона меросхўри — жасур ва мағрур қиз Муштарий билан танишади. Муштарий эса бир неча йиллардан буён акасини ўлдирган қизиллардан қасос олиш ўти билан ёниб юрарди. Александр Драговични севиб қолган Муштарий унинг чеқист эканлигини билиб қолиб ўзини ҳалок этади.

Бириничи ўзбек ва югослав фильми «Муҳаббат ва нафрат»ни кўрган томошабинлар бу эпизодларни яхши биладилар. Бу фильм Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг V халқаро фестивалини очган эди. Фестиваль кўлари ўзбек режиссёри Равиль Ботиров ва югослав режиссёри Жико Ристич яратган бу фильм кинованикуман қатнашчилари ва меҳмонларининг диққат марказида бўлди. Кинобозорларда эса йигирмадан ортиқ чет эл давлат кинопрокатчилари «Муҳаббат ва нафрат»ни ўз ватанларида кўрсатиш учун харид қилдилар. СССР ёзувчилар Союзи ўзининг соврин ва дипломига шу фильм муқбул деб топди. Ўтган йили Югославияда бўлиб ўтган Югославия Социалистик Федератив Республикаси фильмлари фестивалида ҳам асар жюри аъзолари томонидан муносиб баҳоланиб, фильм ижодкорлари фестивалнинг қимматбаҳо соврин ва дипломлари билан тақдирландилар. Буларнинг ҳаммаси мазкур фильмнинг ҳаётийлиги, илғор гуманистик ғояли эканлигининг амалий ифодасидир.

Фильмни кўплаб томошабинлар кўришга улгурди. Улар фильмдаги бош роль ижрочилари — таниқли югослав актёри Фаррух Беголли (фильмда Александр Драгович) ва ёш ўзбек актрисаси Альмира Исмоилова (Муштарий)ни севиб қолдилар.

Фильмнинг яратилиш тарихи ҳам ҳавас қилса арзийдиган. Бош қаҳрамон Александр Драгович образининг прототипи Геннадий Маркович (кўплаб маҳаллий матбуот органлари Геннадийни Димитр деб нотўғри талқин қилишди) бўлиб, у аланғали давр воқеаларининг ҳақиқий гувоҳи бўлганди. Геннадий Маркович ва Улуғ Октябрь социалистик революциясида актив иштирок этган бошқа югославлар ҳақида ўз ватанининг таниқли киноҳужжатчиси Жико Ристич 1967 йили Ленинград кинематографчилари билан ҳамкорликда «Октябрь солдатлари» номли ҳужжатли лентани яратган эди. «Шунда, —деган эди кейинчалик Жико Ристич, — мен биринчи бор интернационалистлар ҳақидаги мавзуга қўл урдим. Бу мавзу мени бутунлай ўзига ром этди ва шу мавзу ҳақида катта киноасар яратиш орзуси туғилди».

III Тошкент кинофестивали (1974) меҳмони бўлган Ристич ўз ниятини ўзбек кинематографчилари билан ўртоқлашди. Чунки Геннадий Маркович асосан Туркистон фронтида жанг қилган эди. Бу қаҳрамон тақдири ўзбек сценаристи Одельшо Агишевни ҳам ўзига мафтун этди. Орадан кўп вақт ўтмай ижодий ишлар бошланиб кетди. Бўлажак фильм яратувчилари— Жико Ристич, Одельшо Агишев ва Равиль Ботировлар Геннадий Маркович жанговар фаолиятини ўргана бошладилар. Ўша йилм, яъни фестивалдан сўнг Жико Ристич ва Одельшо Агишев Тамбов шаҳрига йўл оладилар. Чунки Геннадий Станиславович Маркович 1929 йилдан буён шу шаҳарда яшарди. Телекўранда 20-йилларнинг суронли кунлари акс этгудек бўлса, унинг кўзларида қатор-қатор ёш пайдо бўларди. «Бу кишининг тақдири жуда ҳам қизиқ,— деб эслайди Агишев,— у Сербияда, камбағал деҳқон оиласида туғилган. Ҳат-саводи чиқмасдан, 12—13 ёшиданоқ акаси билан бирга Австрия-Венгрия урушига йўл олади. Маркович болалигидан озодлик учун кураша отланган эди. Аввалларн у партизан отрядида отларга қараб юради. Сўнг астасекин олдинги қисмларга ўқ-дори етказиб туради. Ўн тўрт ёшида у ҳарбий қисмнинг ҳақиқий солдати ҳисобланарди. Ўша даврлардаёқ мардлиги ва жангдаги жасорати учун биринчи медаль билан тақдирланган эди. Лекин кучлар тенг бўлмаганлиги сабабли душман қўшинлари югослав аскарларини ўраб, кўпларини асирга олади. Асирлар орасида ёш Гена ва унинг акаси ҳам бор эди».

Бир группа асирлар. шу жумладан, Марковичлар лагердан қочишга муяссар бўладилар. Бир неча тўсиқларни енгиб, улар пароходда Одессага келиб тушишади. Бу ерда серб армиясининг кўнгилли қисми тузилиб, 1916 йили чоризмнинг Германия билан олиб бораётган жангига ташланади. Мана шу жанглардан бирида ёш Геннадий қаттиқ яраддор бўлади ва Киев ҳарбий госпиталига ётқизилади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонгач, ака-ука иккиланмай қизиллар томонига ўтишади ва октябрдаёқ Киевдаги революцион жангларда қатнашадилар. Шиддатли гражданлар уруши даврида Украина тупроғида Геннадий маддакори бўлган акасидан жудо бўлади. Эндигина ўн олти ёшга қадам қўйган Геннадий Маркович Қизил армия сафида Шарқий фронтда Колчакка, Тамбовда атаман Антонов тўдаларига, Оренбург тупроғида Дутовга, Каспий фронтида инглиз интервентларига, Фарғонада полковник Эргаш тўдаларига, Шарқий Бухорода Анвар пошшо, Салим пошшо ва бошқаларга қарши жангларда қатнашади. Унинг Хоразмда Жунаидхон тўдаларига қарши олиб борган шиддатли олти йилги қураши айниқса, жасоратларга тўла бўлган.

Маркович гражданлар уруши ва босмачи тўдаларига қарши олиб борган курашини эскадрон командири лавозимида якунлади. Шиддатли жангларда кўрсатган жасорати ва алоҳида намунаси учун у тўрт марта Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Бундан ташқари, жангларда ўрнак кўрсатганлиги учун Маркович Туркистон ҳукуматидан бир от. Фарғона водийсидан муҳташам уй билан тақдирланди. Қўмондон Тухачевский эса унга ўз браунингини ҳадя этганди.

Сценаристлар О. Агишев ва Ж. Ристичлар унинг биографиясини синчиклаб ўргандилар. Архив материалларини кўздан кечирдилар. Гражданлар уруши қаҳрамони тақдиридаги асосий моментлар бўлажак фильмнинг яратилишига асос бўлди. Драгович образи орқали дўстлик ва ҳамжиҳатлик ғоялари олға сурилди. Бахтга қарши Геннадий Станиславович Маркович ўзининг ҳаёти асос қилиб олинган биринчи ўзбек ва югослав фильмини кўриш бахтига муяссар бўлолмади. У бундан тўрт йил муқаддам вафот этди. Лекин унинг порлоқ хотираси қуролдош дўстлари — «Туркистонликлар» китобининг автори, собиқ дивизия командири Яков Мельқумов, армия генерали Лучинский ва бошқа кўплаб ўртоқлари қалбида, қолаверса, ўзбек киноси тарихида мангу қолади.

Э. ИСМАТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон кино санъати музейининг ходими.

СУРАТДА: «Муҳаббат ва нафрат» фильмидан бир кадр. Александр Драгович ролида югослав актёри Фаррух Бегопли.

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ


Хиванинг «қуйловчи» дарахти


Устунлар, эшиклар, қутичалар.. ҳар бир буюмга мислсиз нақшлар ўйилган. Ўсимлик банди, олма гули, лола, пахта чаноғининг нафис чизиқлари бир-бири билан уйғунлашиб кетган. Ана шу нақшлар муаллифи хивалик ёғочга нақш ўювчи 27 яшар уста Хайитмат Боғбековдир.

Устахонада ёғочни тайёрловчи ягона механизм бор. Барча асосий ишлар қўлда бажарилади. Устанинг асосий қуроли унинг маҳорати ва санъатга садоқатидир. Устанинг ўзи тўғри келадиган материални эман, қорақайин, қайрағоч дарахтидан ёғоч тилиб, уларни уч-тўрт йил давомида қуритади. Илгари қоғозда яратилган нусхани рассом дарахтга кўчиради. Уста Хайитматнинг ижодий бойлигида ҳозирги кунда 120 та нақш бўлиб, улар анъанавий ва замонавий чизиқларни уйғунлаштирган. Боғбековнинг ўймакор расмларида нақшлар Хиванинг ўймакорлик санъати талаб қилганидек 2-3-4 қатламда жойлашган бўлиб, гўё кўп қаватлидек туюлади, кишига. Нитҳоятда майда деталларнинг қаватларини бутун нақшнинг уйғунлигини бузмаган ҳолда нафис қилиб йўниш учун устадан кўпдан-кўп илҳом, қанчадан-қанча, бардош талаб этилади.

Хайитмат 16 ёшида «уста» номига сазовор бўли. Шундан буён у Хивадаги Ичанқалъа музей-қўриқхонаси н г кўпгина конструкцияларини тиклади, Урганч, Хива, Нукусдаги уйларни ўз ижоди билан безади. У яратган Ибн Сино портрети Франциядан кўргазмага юборилди. Қирқ йилдан кўпроқ вақт муқаддам айнан шу ерда нақшинкор устун ижодкорлари— Хиванинг машҳур усталари Ота Полвонов ва Сафо Боғбековлар халқаро кўргазманинг олтин медалига сазовор бўлган эдилар. Уста Сафо Боғбеков Хайитматнинг отасидир. Ота маҳорати фарзандларига ўтди. Ҳозир Боғбековларнинг устахонаси битта. Кўпинча улар асарларини биргаликда тайёрлашади. Ишланган буюм остига эса фақат «Боғбековлар» деб ёзиб қўйишади. Усталар ўз санъатини ёш авлодга бермоқда. Хайитмат Хивадаги 159-ўрта ҳунар-техника билим юртида дарс бермоқда. Бу йил бу билим юртида биринчи битириш маросими бўлади. Унинг битирувчилари орасида қизлар ҳам бор. Улар Хива ёғоч ўймакорлиги санъати тарихида дастлабки уста қизлар—Ражабиби Ёқубова ва Муҳаббат Юнусовалардир. Уларнинг асарлари «Ўзбекистоним» республика кўргазмасида совринли ўринларни эгаллади.

Ф. КОСТЮШКИН,
ЎзТАГ мухбири.





ҚАТОРАСИГА ТЎРТИНЧИ МАРТА

Тошкентдаги 4-дон маҳсулотлари комбинати гуруч ва озуқа маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган комбинат коллективи ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларнинг фидокорона меҳнати, ишлаб чиқаришга илғор технология ва илғор иш усулларини жорий этиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш туфайли ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили давомида юксак кўрсаткичларга эришиб келмоқда, Комбинатнинг қаторасига тўртинчи марта КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланиши бунинг исботидир.

1979 йилда корхона пландан ташқари икки миллион етти юз минг сўмлик маҳсулот реализация қилди.

Ўнинчи беш йиллик якунловчи йилининг қисқа вақти — икки ойи давомида улар пландан ташқари ярим миллион сўмликдан зиёд маҳсулот реализация қилишга муваффақ бўлдилар.

СУРАТЛАРДА: чапда — лаборатория мудири, КПСС аъзоси Анна Григорьевна Несмеянова (олдинги планда) ва лаборант Людмила Борисовна Варламова тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда; ўнгда — гуручни қадоқлаш участкасида.

А. Усмонов ва Р. Шамсутдинов фотолари, (ЎзТАГ).

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

МУЗИКА ОҚШОМИ

Тошкент Давлат маданият институти коллективи улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Куни кеча институтнинг катта зали профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва студентлар билан гавжум бўлди.

Маданий-оқартув факультетининг халқ чолғу аҳсоблари кафедраси ўқитувчилари доҳий юбилейига бағишлаб концерт программаси тайёрлаб, тингловчилар диққатига ҳавола этишди. Концертда ўзбек халқ куйлари, рус ва Ғарбий Европа композиторларининг асарлари ҳамда қардош республикалар халқларининг музика ижодидан намуналар янгради.

Ўқитувчилардан Р. Шерметов, Т. Йўлдошев, М. Иноятов, Ш. Хўжаев ҳамда Д. Юсуповлар ўзларининг ижрочилик маҳоратларини намойиш этишди. Доҳиймиз В. И. Ленин Бетховеннинг 8-сонатасини айниқса севиб тингларди. Ана шу асарни Н. Шарипов зўр маҳорат билан ижро этди.

М. НЕЪМАТОВА.

Ҳамшаҳарларимиз хизматида

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ

Уй-рўзғор шароитида мебелларни тозалаш кишидан бир мунча ғайрат талаб қиладиган юмушдир. Бундай кезларда яхшиси «Химчистка»нинг махсус бригадаси хизматидан фойдаланганингиз маъқул. Бунинг учун телефон орқали буюртма беришнинг ўзи кифоя қилади. Бу махсус бригада Сиз учун қулай вақтда уйингизга ташриф буюриб, мебелларингизга ишлов беришади, унинг рангларини сайқаллашади.

Уйга усталар чақирмоқчи бўлсангиз 53-48-33 ёки 53-20-54 рақамли телефонга қўнғироқ қилишни ёддан чиқарманг.

Уй-рўзғор ташвишида

Бир хонали квартирани жиҳозлаш

Квартирамиз ҳар томонлама қулай бўлмоғи учун ҳар бир хонанинг вазифасини тўғри белгилаш ва мебелларни тўғри жойлаштириш жуда муҳимдир.

Бир хонали квартирани жиҳозлаш бир мунча мураккаброқдир. Чунки бундай хона хилма-хил эҳтиёжларга жавоб бериши лозим; у ерда ухланади, дам олинади ва ҳоказо.

Бир хонали квартирада ухлаш жойи хонанинг ёруғлик кам тушадиган қисмида бўлгани, ухлаш ва дам олиш учун диван-каравотдан фойдаланилгани маъқул, диван-каравот ёнига кичикрок диванолди столчаси, кресло, горшер қўйиб дам олинадиган жой қилиш керак. Иш жойи дераза яқинидан ёхуд хонанинг энг ёруғ қисмидан ажратиб қўйиши лозим.

Ишлаётган киши бошқа оила аъзоларининг дам олишига ҳалақит бермаслиги учун иш жойини бирор мебель билан хонанинг бошқа қисмидан ажратиб қўйиш лозим. Иш жойи яқинида китоблар қўйиладиган токча ёки шкаф бўлса янада яхши. Бир хонали квартирада овқатланиш столи ё ошхонада, ёхуд ошхонага қўшни девор ёнида ёки ошхона яқинида бўлиши лозим.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. БОҚИЕВ: Хурматли редакция! КПСС аъзолиги сафига қандай кишилар қабул қилинади? Уларнинг иш стажи ҳисобга олинадими?

Жавоб: КПСС сафига энг илғор, энг онгли, энг актив гражданлар қабул қилинади. У коммунист деган юксак номга муносиб бўлиши керак. КПСС коммунизм манфаатлари йўлида фидокорона ишлаш учун партияга кираётганлигини амалда исбот қилган кишиларнигина ўз сафларига қабул қилади. Партия сафига қабул қилиш масаласини бошланғич партия ташкилотининг йиғилиши ҳал қилади. Бунда кишининг ишчанлиги, сиёсий ва маънавий сифатлари ҳисобга олинади. Йиғилишда қатнашган коммунистларнинг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирдагина партияга қабул қилиш ҳақидаги қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.

∴ ∴ ∴

Ф. СУЛАЙМОНОВ: Объектларни фойдаланишга топшириш учун берилган мукофотлардан аъзолик взноси олинадими? Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси мукофотларидачи?

Жавоб: Объектларни фойдаланишга топшириш учун бериладиган мукофотлардан аъзолик взноси олинади. Чунки бу меҳнат фаолияти учун тўланган ҳақдир. Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг мукофотн эса аслида конкурсларда иштирок этганлиги учун бериладиган соврин характерига эгадир. Бу эса қўшимча иш ҳақи қисобига кирмайди. Шунинг учун ҳам ундан аъзолик взноси олинмайди.

∴ ∴ ∴

А. ТЎРАЕВ, Б. ШАРОПОВ: Пойтахтимизнинг Калинин майдони нега аввалари «Эски жўва» деб аталгани биз, ўқувчиларни жуда қизиқтиряпти. Шунга жавоб беришларингизни сўраймиз.

Жавоб: Тошкентнинг марказига жойлашган Калинин номидаги майдон атрофида X асрда Регистон ва Жануб каналлари оралиғидаги территорияда шаҳар қалъаси жойлашган эди. Бу қалъанинг ичида шаҳар ҳокимининг саройи, эндон ва танга пул тайёрланадиган зарбхона бўлган. Бойлар асосан шу қалъа ичига кириб, халқ қўзголончиларидан яширишган. Қўрғоннинг миноралари, қалъанинг мудофаа мақсадида қурилган деворлари ана шунга хизмат қилган эди. «Эски жўва» майдонининг номи ҳам ана шундан келиб чиққан. 1925 йилнинг 4 февраль куни бу майдонга партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби Михаил Иванович Калинин келган. майдонда кўп минг кишилик митинг бўлиб ўтган. М. И. Калининнинг бу ерга келгани хотирасига бу майдонда унга ҳайкал ўрнатилган.

∴ ∴ ∴

Г. ҲАЙИТБОЕВА: Отам Улуғ Ватан урушида қатнашган. Унинг бир неча орден ва медаллари бор. Бироқ, у пенсияга чиқиш учун керак бўладиган зарур ҳужжатларини йўқотиб қўйган. Айтингчи, шу ҳужжатларни қайта тикласа бўладими? Бунинг учун қаерга мурожаат қилиш керак?

Жавоб: Одатда Улуғ Ватан уруши йилларида жангчи томонидан кўрсатилган қаҳрамонликлар, унинг олган орден ва медаллари қаерда жароҳатланганлиги ва қайси госпиталда даволанганлиги ҳарбий билетга ёзиб қўйилади. Агар отангизнинг ҳарбий билетида ана шундай ёзувлар бўлмаса, унинг ҳужжатларини тиклаш учун Совет Армияси тарихи архивига мурожаат қилиш керак. Буни амалга ошириш учун аввало отангиз ҳисобда турган район ҳарбий комиссариатига учрашишингиз лозим. Комиссариат ходимлари архив адресини аниқлаш ва зарур ҳужжатларни жўнатишда ёрдам беришади.

физкультура ва СПОРТ

ОЛИЙ ЛИГАНИ КЎЗЛАБ

Новосибирск шаҳрида тўрт команда олий лигада қатнашиш ҳуқуқини берувчи икки йўлланма учун баҳсларни бошлашди. Ана шундай яхши ният билан майдонга чиқаётган командалар орасида «Университет» ҳам бор. Маълумки, Тошкент Давлат университетининг баскетболчилари бу йилги мавсумни ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтказдилар. Айниқса, финал турнири улар учун омадли бўлди. Олти команда иштирок этган ва олий лигага чиқиш учун ўтказиладиган ўтиш турнирида қатнашиш ҳуқуқини олиш учун бўлган бу беллашувларда ҳамшаҳарларимиз ажойиб маҳорат кўрсатишди.

Кучли олти коллектив иккинчи даврa учрашувларини Николаев шаҳрида ўтказганликларини мухлислар яхши билишади. Бу ерда майдон эгалари «НКИ» командаси баскетболчилари билан бўлган баҳс принципиал характерга эга бўлди. Чунки шу беллашувда ғолиб чиққан команда турнирни якка пешқадам сифатида якунларди. «Университет» спортчилари ҳимояда аниқ ҳаракат қилиш билан бирга, кутилмаганда қарши ҳужум уюштириш тактикасини қўллашди. Худди шу усул уларга ғалаба келтирди. Ўтиш турнирида қатнашиш ҳуқуқини берувчи иккинчи йўлланмани Николаев шаҳри баскетболчилари қўлга киритишди.

Ўтиш турнирининг беллашувлари ниҳоятда кескин вазиятда ўтиши аниқ. Чунки Таллин шаҳрининг «Калев», Новосибирск шаҳрининг «Локомотив» командалари олий лигада қатнашиб, тажриба орттирганлар. Тўғри, бу йилги мавсумда улар яхши ўйин кўрсата олмадилар. Натижада олий лигада қолиш ҳуқуқини олиш учун биринчи лиганинг энг кучли икки коллективи билан бўладиган икки даврали турнирда қатнашишга мажбур бўлишди. Бинобарин, ўз олдиларига қўйган улуғ мақсадга эришиш учун «Университет» баскетболчилари бор маҳоратларини ишга солишлари, рақибларининг шуҳратидан чўчимай майдонда аниқ ва тез ҳаракат қилиш, қулай вазиятдан тўла фойдаланиш усулига амал қилишлари лозим. Шундагина улар ўз мухлисларининг ишончини оқлашади.

Ўтиш турнирининг дастлабки куни ҳамшаҳарларимиз «Калев» командаси баскетболчилари билан куч синашдилар. Учрашувда ҳамшаҳарларимиз ғолиб чиқишди. Шунингдек улар «Локомотив»ни ҳам мағлуб этишди.

СУРАТДА: «Университет» командаси баскетболчилари ҳужумда.

Д. Клочков фотоси.



СПОРТЧИЛАРИМИЗ САФАРДА

Ашхабод шаҳрида мамлакатимиздаги энг кучли камондан отувчилар Олимпиада ўйинларига тайёргарликларини синовдан ўтказиш мақсадида яна бир марта кучларини синаб кўришди. Бу ерда мамлакат терма командасининг аъзоси, СССР халқларининг VII ёзги Спартакиадаси чемпиони Наталья Бутузова ҳар жиҳатдан пухта тайёргарликка эга эканлигини намойиш қилди. Аёллар ўртасида ўтказилган мерганлик баҳсида бу спортчига тенг келадиган мерган топилмади. У тўрт кун давом этган баҳсда 2554 очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллади.

* * *

Москва яқинидаги Химки шаҳрида машҳур спортчи В. Соловьев хотира совғини учун бокс бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ турнирида Тошкентдаги «Спартак» кўнгилли спорт жамиятининг вакили Г. А. Аҳмедов муваффақиятли қатнашди. 57 килограммгача оғирликдаги боксчилар баҳсида қатнашган бу спортчи фақат бир марта мағлубиятга учради. У финал беллашувида очколар бўйича рақибига ютқазиб қўйди. Шундай қилиб, тошкентлик спартакчи Бутуниттифоқ турнирида иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланди.

* * *

Салават шаҳрида ёшлар ўртасида эркин кураш бўйича ўтказилган мамлакат шахсий-команда биринчилигида республикамиз вакиллари яхши қатнашиб, мукофотли учинчи ўринни эгалладилар. Ғалабани таъминлашга тошкентлик спортчилар салмоқли ҳисса қўшишди. Жумладан, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг студенти Р. Ҳайрутдинов, автомобиль йўллари институтининг студенти А. Хадарцевлар ўз вазн-тоифаларида ўтказилган беллашувларни яхши ўтказиб, бронза медали билан тақдирландилар.

* * *

Львовда мерганлик бўйича мамлакат чемпионати ўтказилди. Ғолиблик учун кўнгилли спорт жамиятлари ва маҳкамаларнинг кучли спортчилари баҳслашдилар. ВП-11 машқини бажаришда тошкентлик спортчи Д. Чесноков яхши натижа кўрсатди. У 359 очко тўплаб, биринчиликнинг бронза медалини қўлга киритди. «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятининг вакили С. Иваненко, динамочи В. Зиминлар МВ—9 машқини бажаришда халқаро классдаги спорт мастери нормасини бажаришди.

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ЎЗ ИСТЕЪДОДИНГНИ ТОП

Шу нарса маълумки, ҳар бир катта ёшдаги киши бизнинг мамлакатимизда ҳар куни тўртта нарса харид қилади. Йил мобайнида бизнинг ҳаммамиз биргаликда ана шу мақсад учун 30 миллиард соатдан кўпроқ вақт сарфлаймиз.

Биз магазинга кириб сотувчи билан учрашамиз.

Сотувчи—у савдо эстетикаси, этика, экономика, товаршунослик билимларини эгаллаган кишидир. У харидор психологиясини билади, тез хизмат кўрсатади ва зарур маслаҳатлар бера олади.

Ҳар куни бир сотувчининг камида 150 харидорга хизмат кўрсатиши ва 200 дан кўпроқ консультация бериши ҳисоблаб чиқилган. Савдо кишидан истеъдод талаб қилади.

АГАР СИЗ СОТУВЧИ БЎЛИШГА ҚАРОР ҚИЛГАН ЭКАНСИЗ, САВДО БОШ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ!

Сизни бу ерда нафақат этика ва эстетика, товаршунослик асослари ва харидор психологияси, экономика, совет ва меҳнат ҳуқуқлари асосларидан лекциялар кутмоқда.

Мураббийлар — ишлаб чиқариш таълими усталари, катта сотувчилар рақбарлигида сиз бевосита мактаб-магазинда уч ойлик практикадан ўтасиз.

Практика келажакдаги ишлар учун зарур тажриба ҳамда меҳнат кўникмаси беради.

МАКТАБ-МАГАЗИНДАГИ ЎҚИШНИ ТАМОМЛАГАЧ, СИЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ БИЛАН САВДО ҚИЛУВЧИ СОТУВЧИ КАСБИНИ ЭГАЛЛАЙСИЗ.

Мактаб-магазин маъмурияти курсни битирганларнинг ўқишни давом эттириш истакларини қўллаб-қувватлайди. Истовчиларга Тошкент савдо техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига кириб ўқиш учун имтиёзли шарт-шароит яратиб берилади.



МАКТАБ - МАГАЗИНГА 16 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8—10-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Тошкент шаҳрида доимий пропискада бўлиш шарт.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Мактаб-магазинда ўқилган олти ой муддат меҳнат стажига қўшилади.

«ЁШЛИК» мактаб-магазинига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат ёки 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги шаҳодатнома, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, мактаб ёки сўнгги иш жойидан характеристика, турар жойидан справка, 2 та фотосурат (6х9 см.) агар бўлса меҳнат дафтарчаси.

БИР ВАҚТНИНГ УЗИДА ЁШИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, КАССИРЛАР ТАЙЁРЛОВЧИ БИР ОЙЛИК КУРСЛАРГА УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 12, 28-трамвайлар, 2, 3, 9, 22, 25, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати). Справкаларни 33-75-48 номеридан телефон қилиб билиш мумкин.

«ЁШЛИК» мактаб-магазини.

«УЗТОРГРЕКЛАМА» телепрессагентлиги.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УзССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ СИНТЕТИК ЮВИШ ВОСИТАЛАРИ ЗАВОДИГА

юқори малакали созловчилар, босма автоматларнинг печатниклари, қадоқлаш цехидаги автомат линияларнинг созловчилари ва машинистлари, узунасига клейловчи автоматларнинг созловчилари, химия асбоб-ускуналарига хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича слесарлар.

Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар, квартиралар навбати билан берилади.

ҚУЙИШЕВ РАЙОНИДАГИ ТАШКИЛОТЛАРГА

экономистлар, инженер-энергетиклар, ҳисоб бўлимига бухгалтер, хўжалик мудири.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

асбобсоз-слесарлар, ремонтчилар; токарлар, фрезерчилар, қолипловчилар, прессларни созловчилар, прессловчилар, инженер-конструкторлар, технологлар; техник-технологлар, чизмачилар.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИГА

шахсий буюртмалар асосида пойафзаллар тикувчи ва ремонт қилувчи пойафзалчилар, катта бухгалтер, бухгалтер.

ҲАМЗА РАЙОНИДАГИ ЛОЙИҲА-КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИГА

металларга қирқиш йўли билан совуқ ишлов берувчи техник-технологлар, инженер-механиклар, комплектациялаш, сотиш ва ишлаб чиқариш диспетчерлик бўлимларининг бошлиқлари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАЙЁРЛОВ МИНИСТРЛИГИНИНГ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

вибойшчиклар, вальцовкачилар, эловчилар, обойшчиклар, силосчилар, слесарлар, ВОХР ўқчилари, бухгалтер, машинистка.

Елғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

асбоб-ускуналар ремонти бўйича слесарлар, электромонтёрлар, темирчи-токарлар, бухгалтер.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ—Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ—2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ—Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ—М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ—К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ—Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ—Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ—22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ—район ижроия комитети, Совет Армияси хиёбони.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИҚАЛИ ТЕАТРИДА—26/III да **Ур тўқмоқ** (12.00), **Тўйдан олдин томоша** (19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—**ўқувчиларнинг баҳорги каникул кунларида «Шерлар орасида» аттракционни иштирокида «ЧЕБУРАШКА ВА ТИМСОҲ ГЕНАНИНГ ЦИРКДАГИ ҒАРОИБ САРГУЗАШТЛАРИ» болалар учун қувноқ томошаси** (11.00, 14.00, 17.30).

КИНО

25 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЧОР САМОДЕРЖАВИЕСИГА ҲУЖУМ»— **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

КИНОЛЕНИННОМА

ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР:

«Қалбларимизда ленин» — **Искра** (19.45).

26 МАРТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

«ЧОР САМОДЕРЖАВИЕСИГА ҲУЖУМ»— **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли,**

«ПЛАНЕТАНИНГ КЕЛАЖАГИ»— **Москва.**

«ЕЛЕНА ОБРОЗЦОВА ҚЎИЛАДИ»— **Восток.**

КИНОЛЕНИННОМА

ХРОНИКАЛ ФИЛЬМЛАР:

«Қалбларимизда ленин» — **Искра** (19.45).

«ДИВИЗИЯ БОШЛИҒИ АЛЕКСАНДР ПАРХОМЕНКО» — **Искра** (14.00).

«ЛЕНИН (Биографиясидан саҳифалар) — **Фестиваль** (11.00).

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТАНГА ҲОКИМИ ИЗИДАН» — **Дружба** (11, 12, 20.45, жавоб берувчи автомат 66-15-75), **Навоий номли** (11, 12.30, 14.10, 16.30, 18, 19.30).

«ХОТИН КЕТДИ»—**Мир** (тоқ соатларда, телефон:91-08-30).

«КУЗГИ МАРОФОН»— **Лисунов номли** (тоқ соатларда)

«БАЛОГАТГА ЕТГАН ЎҒИЛ — **Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 53-86-07).

«ЁШ ХОТИН» —**Искра** (16, 18, 19.45, телефон 39-11-76).

«ТЎЙЛАР МУБОРАК» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон: 91-10-51).

«ҲИССИЁТНИНГ ҚАЙТИШИ» — **К. Ерматов номли** (тоқ ва жуфт соатларда, телефон: 24-22-66).

● ФАН—БЕШ ЙИЛЛИККА

ЛАЗЕР ХИЗМАТИДА

Қозоғистон давлат университети ҳузуридаги «биофизика» ўқув илмий бирлашмасининг мутахассислари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига лазер техникасини жорий этувчи таянч пунктларини яратдилар.

Синовларнинг кўрсатишича, уруғликка экишдан олдин қисқа муддат лазер нури таъсир эттирилиши экин ҳосилдорлигининг 15—20 процент ошишига ёрдам беради.

Ҳозир бирлашманинг бир неча хил модификациядаги лазер установкалари, олатов этакларида катта тажриба майдони, махсус конструкторлик бюроси бор. Бу нарса шу йил республикада чорак миллион гектар ерга нур таъсир эттирилган уруғларни экишга имкон беради.

●

ПЛАЗМАДА БУНЁД БЎЛГАН

Латвия фанлар академиясининг олимлари нитрид —турли элементларнинг азотли бирикмаларини саноат кўламида ҳосил қилиш узоқ муддатли жараёнини секундниг бир неча улушларига қадар қисқартирдилар. Ноорганик химия институтидаги плазма реакторларида шундай бирикмаларни олиш усуллари ишлаб чиқилди.

Юксак даражада иссиқбардош ва бошқа қимматли хоссаларга эга бўлган нитридлар эндиликда ғоят майин упа ҳолида синтез қилинмоқда. Ундан порошокли металлургия методи билан осонгина саноат маҳсулотларини тайёрлаш мумкин.

Плазмохимия институтининг етакчи илмий йўналишларидан бири бўлиб қолди. Олимлар плазма реакторлари бўлган лаборатория корпусига эга бўлдилар.

(ТАСС).

● Ҳар тўғрида

Ҳамма учун керакли китоб

Польша Халқ Республикасининг китоб магазинлари пештахталарида «Ҳамма учун керакли китоб» туркумидаги янги нашрлар пайдо бўлди. Бу янги ташаббус мамлакат нашриётчилиги тарихида катта воқеадир.

Бу ерда урушдан кейинги ўтган 35 йил давомида умумий тиражи 3,5 миллиард нусхадан ортиқ 260 минг китоб нашр қилинди. Шунга қарамай китоб бозорларида кўплаб бадиий адабиёт асарлари, энциклопедия ва луғатлар етишмаслиги яққол кўзга ташланаяпти.

«Ҳамма учун керакли китоб» туркумига шу кун учун муҳим бўлган китоблар киритилади. Уларнинг рўйхати эса Польша Халқ Республикаси маданият ва санъат министрлиги қошида ташкил этилган адабий нашрчилик кенгаши томонидан тузилади.

Туркумнинг ёш ўқувчилари учун мўлжалланган биринчи нашри 250 минг нусхада босмадан чиқарилди. Улар орасида Г. Х. Андерсеннинг «Эртаклари» бор.

1980 йилда нашр этиладиган китоблар орасидан эса Ю. Словацкийнинг шеър ва поэмалари, Б. Прусснинг «Қўғирчоқ», Гомернинг «Одиссея», М. Шолоховнинг «Тинч оқар Дон» асарлари ва поляк бадиий тили луғати каби китоблар ўрин олган.

Самарали тадқиқотлар

Ишлаб чиқариш процессларининг такомиллаштириш, таннархни камайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш, Германия Демократик Республикаси, технологик марказида муҳим роль ўйнайди.

Оптика, аниқ механика ва «Карл Цейс» электрон аппаратураси комбинатларида шу турдаги корхоналар ва республикадаги барча илмий-тадқиқот институтлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатган 32 та мана шундай марказлар ишлаб турибди.

Ўтган йили комбинат марказларида ишлаб чиқариш процессларини янада такомиллаштириш йўлида 700 га яқин тадқиқотлар ўтказилди. Бунинг натижасида миллион киши-соат иқтисод қилиш имконияти туғилди.

Технологик марказлар, намунали ишлаб чиқариш методларини ва меҳнатни ташкил этишни кенг ёйиш ишларида корхоналарга яқиндан ёрдам беряпти. Жумладан, Ф. Хекерт номли станоксозлик комбинати марказида ишлаб чиқилган янглик Германия Демократик Республикасидаги 3 мингдан ортиқ металлни қайта ишлаш корхоналарида қўлланилмоқда.

Қуёш энергияси ҳисобига

Дунай бўйида яқинда янги румин шаҳри қад кўтаради. Бу шаҳардаги кўплаб бинолар эса қуёш энергияси ҳисобига иситилади. Миллий энергетика институти маълумотларига кўра Руминия Социалистик Республикасининг ҳар йилги «қуёш потенциали» энергияси 10 миллион тонна шартли ёнилғига тенг. Бунинг устига шаҳарча йил давомида 1900 соат қуёш нур сочиши мумкин бўлган районлардан бирида бунёд этилиши планлаштирилган.

Қуёш энергияси халқ хўжалигида ҳам кенг қўлланилади. Жумладан, саноат қурилиши корхоналарининг қуритиш печкаларидан тортиб, турар-жой биноларининг гелиотермик қурилмаларигача қуёш энергияси кириб боради.

Бу йил Қора денгиз қирғоғида жойлашган «Нептун» туристик комплекси ана шундай қурилма билан жиҳозланади. Яқин беш йил ичида эса республика саноати 50 мингга яқин шу турдаги қурилмаларни ишлаб чиқаради.

Ҳайвонот оламида

● Амёба ярим соат яшаса, чўртанбалиқ 270 йил яшайди, яъни у энг узоқ умр кўрувчи жониворлардан саналади.

● Ер юзидаги жониворлар ичида энг тез, аммо айни чоқда энг ёмон чопадиган туяқушдир. У минутига 2 километр тезликда чопа олади ва бундай пайтда сакқиз метргача узунликка сакрайди. Лекин бу тезлик 2 минутгина давом этади, холос.

● Бразилиянинг Гойас штатидаги бир тур асаларичларнинг ниши йўқ, асали эса нордон бўлади.

● Малайзиянинг учар қурбақалари дарахт ва буталар устида яшайди.

● Малайзия оролларида яшовчи баъзи калтакесаклар 25 метрдан зиёд масофага бемалол уча олади.

● Кўпчилик ҳайвонлар, ҳатто бақа ҳайбат фил ҳам суза олади, фақат туя бундан мустасно.

● Дунёдаги қушлар ичида юришни энг яхши кўрадигани қизил оёқдир. Бу қуш эринмасдан Африкадан то бизнинг мамлакатимизгача яёв кела олади. У чарчашни писанд ҳам қилмас экан.

● Асалари одамзод қўлига ўрганган бирдан бир ҳашаротдир.

● Она асалари қисқа умр кўришига қарамай ярим миллионтагача тухум қўяди.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

25 МАРТ— СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Ихтисослаштириш йўлидан». Телевизион ҳужжатли фильм (Кишинёв). 15.40 «Грециянинг миллий байрами — Мустақиллик куни-га». Грек рақс ансамблининг концерти. 16.05 «Қизил погоналар». Кўп сериялы телевизион бадиий фильм. 1-серия. 17.15 «Фан ва турмуш». 17.45 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Кўп сериялы телевизион мультфильм премьераси. 1, 2, 3-серия-лар. 18.15 «Саялардаги мураккаб йил». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Илғор тажриба умумхалқ мулки». Перьм телефон заводида кадрлар билан ишлаш тажрибаси тўғрисида. 20.00 А. Юрлов номли Давлат республика академик рус хор капелласининг концерти. 20.30 «Меҳнат шон-шуҳрати байроқдорлари». 20.45 В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига. «Аппассионата». Бадиий фильм. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 «Музикали ҳаёт». Телевизион журнали. Журнал тугагач (23.45)— «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий). 18.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Дастлабки пионер гулханларининг аланглари» (рус.). 19.15 «Миллионлар ленинча университети». «СССРда ривожланган социалистик жамият қурилиши— ленинча ғояларининг тантанаси». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Музикали учрашувлар». «Қўшиқчи композиторлар — бизнинг меҳмонимиз» (рус.). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Қорнёкубов номли Ўзбек Давлат филармониясининг «Ер-ёр» ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.15 «Баҳорги экиш— биринчи имтиҳон». 22.30 «Революция давом этади». Ҳужжатли фильм премьераси (рус.). 23.20 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Абитуриентлар учун. Она тили. 20.55 «Она ва ўғил». Телевизион ҳужжатли фильм (рус.). 21.20 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Олмос». Телевикторина. 22.20 «Паролнинг ҳожати йўқ». Бадиий фильм. 1-серия.

26 МАРТ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.15 Болалар учун. «Айинча Ниданинг саргузаштлари». Илмий-оммабоп фильм. 4, 5, 6-серияларда. 11.10 «Аппассионата». Бадиий фильм. Фильм тугагач (11.50)— Янгиликлар.

15.00 Янгиликлар. 15.20 «Биринчидан ўнинчигача». Илмий-оммабоп фильм. 15.40 «Шахмат мактаби». «Оқ руҳ». 16.10 «Рус тили». 16.40 «Қизил погонлар». Кўп сериялы телевизион бадиий фильм. 2-серия. 17.45 «Халқ оҳанглари». 18.00 «Ўн етти ёшлилар». 1-эшиттириш. «Бировнинг дарди» мавзуида ишшо. 18.45 «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари». Кўп сериялы телевизион мультфильм премьераси. 4, 5, 6-серияларда. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 20.00 «СССР халқ артисти И. Петров куйлайди». Фильм-концерт. 20.20 «Ҳужжатли экран». 21.30 «Время» информацион программаси. 22.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (М). В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.35)— «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Узбекистон телевиденнесининг программалари

I.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Сеҳрли қуш». Болалар учун мультфильм. 18.30 «Ўсмир ва қонун». 19.00 «Нукуснинг катта қурилиши» (рус.). 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Опера премьера». М. Ашрафийнинг «Муҳаббат ва шамшир» балети. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ешлик» куйлайди». Концерт. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.00 «Ноз-неъмат бунёдкори». Сабзавоткорлар учун программа. 22.15 Халқаро театр кунига. «Театр ва замон». 23.45 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Бугун манежда». Ҳужжатли фильм (рус.). 20.50 «Ўқитувчи экрани» (рус). 21.20 «Транспорт ва пиёда». Бутуниттифоқ йўл ҳаракати хавфсизлиги баҳорги кўригининг бошланишига. 21.50 «Паролнинг ҳожати йўқ». Бадиий фильм. 2-серия.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент —ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашрнёт диспетчери 32-78-94 нашрнёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

25 МАРТ, 1980 й. Р — 13781. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б—2098. 10